Hard residue of water dissolve salts 0,08-0,17 %; Cl – 0,017-0,040 %; SO₄ – 0,700-0,900 %; HCO₃ – 0,018-0,024 %.

6) *The agromelioration block* includes reclamation measures to improve the condition of soils:

Organic fertilizers application 10-20 t/ha, mineral fertilizers delivering, phosphorus 50-60 kg/h; potassium 50-60 kg/h; general irrigation norm 700-1100 m³/ha; number of irrigation 2-3 and norm 300-600 m³/ha.

The information presented in this paper shows the direction towards improving of main agrophysical and agrochemical properties of irrigated meadow soils of the Syrdarya region as a result of maintaining their fertility with nutrient mineral elements and other major land reclamation measures. The results obtained have agro-productive value, are oriented to practice and are a recommendation for the introduction of this technology in other areas of meadow soils in the Republic.

Conclusion.

1. The structure of the conceptual model of soil fertility with the main interconnected blocks is proposed: agroecology, soil composition, agrophysical properties, agrochemical properties, soil salinity properties and agro-melioration.
2. The presented results are illustrated the possibility of using the fertility model as a method of storage, selection and strict systematization of accumulated information on soils.
3. In the Syrdarya region conditions, a model of fertility of meadow soils has been developed that has theoretical and practical importance in the field of reproduction and management of soil fertility.

References:

1. *Kachinsky N.A.* Soil physics. M.: Publishing house of the ANSR, ch.I. 1965. 318 p. (In Russian)
2. *Kuziev R.K., Sectimenko V.E.* Soil of Uzbekistan. Tashkent: Publishing house «EXTREMUM PRESS», 2009. 251 p. (In Russian)
3. Guidelines for conducting chemical and agrophysical analyzes of soils in land monitoring. Tashkent: GosNIIPA, 2004. 260 p. (In Uzbek)
4. *Tursunov L.* Soil physics. T.: "Mehnat", 1988. 224 p. (In Uzbek)
5. Models of soil fertility and methods of their development. VASKhNIL, Soil Institute. V.V. Dokuchaev. M., 1982. 124 p. (In Russian)
6. *Shishov LL, Karmanov II, Durmanov D.N.* Criteria and models of soil fertility. Moscow: Agropromizdat, 1987. (In Russian)
7. *Durmanov D.N., Bulgakov D.S., Frid A.C.*, Modeling of Soil Fertility (Theory and Methodology), Methodological Recommendations of Soil Science Institute named after. V.V. Dokuchaeva, VASKhNIL, M. 1990, 124 p. (In Russian)
8. *Mamedov G.Sh., Mamedova S.Z.* Recommendations on the compilation of an ecological model of fertility of the tea suitable soils of Azarbeydzhan, Baku, AzNIINTI, 1992, 36 p. (In Russian)
9. *Kuziev R.K., et al.* The current condition of irrigated soils of Syrdaryo region, recommendation on conserving and increasing their fertility, - Tashkent: Saydana-print, 2016. 40 p. (In Uzbek)

Камолова Н.П. (Хорезмская академия Маъмуна), Камолов П. (Ургенчский государственный университет)

ВЛИЯНИЕ ОЧИЩЕННЫХ ГОРОДСКИХ СТОЧНЫХ ВОД НА СВОЙСТВА ЗАСОЛЕННЫХ ЛУГОВО-АЛЛЮВИАЛЬНЫХ ПОЧВ

Аннотация. *Больше половины обрабатываемых и орошаемых земель в Республике Узбекистан засолены в различной степени. Лугово аллювиальные почвы Хорезмской области, хотя засолены и подверглись дефляции, с них можно получить высокие урожаи за счет их промывки.*

Результаты исследований показывают, что при промывании засоленной почвы сточными городскими и промышленными водами можно получать высокие урожаи хлопчатника при условии, если смешивать сточные воды с речной в соотношении 1:1, 1:0,5 или 1:2, при этом урожайность хлопчатника повысилась на 7,3-9,4 центнера.

Ключевые слова: *промывание, засоленность, почва, сточные воды, урожайность.*

Аннотация. *Республикамизда, жумладан Хоразм вилоятидаги деҳқончилик қилинадиган тупроқлар ҳар хил даражада бўлса ҳам шўрлангандир. Оқова сувлари танқис даврда деҳқончилик қилиш учун янги сув захираларини излаш куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.*

Бундай сув захираларидан бири тозаланган шаҳар чиқинди сувидир. Тадқиқот натижалари асосидаги ушбу мақолада дефляцияланган, шўрланган тупроқлар шўрини ювишда тозаланган шаҳар чиқинди сувидан фойдаланиш технологиялари баён қилинган.

Калит сўзлар: ювиш, шўрланиш, тупроқ, оқава сувлар, ҳосилдорлик.

Abstract. *More than half of the irrigated crop lands of Uzbekistan are under saline in different level. Though the most meadow alluvial soil of Khorezm is under saline and deflation, it is possible to get a high harvest, with the way of washing salt there.*

The results show that, washing the soil salinity with waste and industrial water can increase crop yield of cotton, only in condition, if the wastewater is mixed with river water in the ratio of 1/1, 1/0.5 or 1/2, where the cotton harvest increased to 7.3-9.4 centner per hectar.

Key words: *washing, salination, soil, waste water, yield.*

В условиях нарастающего дефицита водных ресурсов и необходимости увеличения валовых сборов сельскохозяйственной продукции, в частности хлопка-сырца, вопросы рационального и экономного использования поливной воды весьма актуальны. За последние годы изменения климата земного шара привело к резкому усилению дефицита оросительной воды. Высыхание Аральского моря, и также отрицательно влияет на экологию региона. В связи с этим вызывает необходимость в изыскании новых источников для орошения культур и промывки засоленных почв. Одним из таких источников воды могут служить очищенные городские и промышленные сточные воды. При таких острых дефицитах использование этих вод для промывки засоленных почв низовьев Амударии имеет большое народнохозяйственное и санитарное значение. Это и определило актуальность выбранной нами темы.

Цель и задачи исследования следующие:

- установить оптимальные нормы речной воды для промывки трудно-мелиорируемых засоленных дефлированных почв;
- определить нормы и соотношения речной воды в смеси со сточными городскими и промышленными отходными водами для промывки солей. Сброс этих вод в городе Ургенче достигает 42 м³/с, в Нукусе - 13 м³/с;
- за счет сточных вод уменьшить расход речной воды, используемой для промывки засоленных почв;
- путем закладки почвенных шурфов, описания их по генетическим горизонтам, определения некоторых агрофизических и агрохимических свойств, а также водорастворимых солей, установить мелиоративное состояние луговых- аллювиальных засоленных почв;
- определить степень промытости и очищения от вредных солей почвы в зависимости от промывки почвы речной и отходной вод;
- изучить рост, развитие, урожайность хлопчатника и качество хлопкового волокна в зависимости от промывки почвы речной, сточной водой или их смесью.

Характеристика почв опытного участка. Почва опытного участка легко – суглинистая, засоленная, дефлированная, о чем свидетельствует морфологическое описание и анализ механического состава почвы. До проведения противоэрозионных мероприятий почвы интенсивно подвергались ветровой эрозии, так как верхние слои горизонтов обеднены мелкоземами. Следует отметить, что не исключено и озерное происхождение этих почв. Таким образом, генезис этих почв сложный, может быть озеро-эолового происхождения.

По содержанию водорастворимых солей почвы опытного участка относятся к средnezасоленным хлоридно-сульфатного типа. Анализ водной вытяжки показывает, что почвы опытного участка глубоко засоленные, поскольку наибольшее количество солей накопилось в водоупорном горизонте. Эти показатели свидетельствуют о том, что при излишней подаче воды происходит вторичное засоление, хотя на протяжении 80 см имеется песчаный слой. Исследования [1] показывают, что капиллярность этих почв не превышает 48 см. таким образом, вторичное засоление может происходить при напоре грунтовых вод.

По содержанию гумуса почвы типичные как дефлированная, сазовая, по количеству валовых и подвижных форм питательных элементов относятся к слабо обеспеченным фосфатами и средне обеспеченным подвижным калием в пахотном слое.

Все это свидетельствует о том, что засоленные дефлированные луговосазовые почвы требуют улучшения водно-физических и химических свойств.

Объемная масса исследуемых засоленных дефлированных лугово-сазовых почв в контрольном варианте (вар. 1) в слоях 0-30, 30-50, 50-70, 70-100 см объемная масса равнялась 1,38; 1,44; 1,46; 1,48 г/см³. При применении сточных вод промывной нормой 3500 м³/га (вар. 2) наблюдалось значительное снижение объемной массы; разница с контролем по вариантам равна 0,03; 0,04; 0,01; 0,01 г/см³. Разница особенно заметна в вар.7, где промывная норма сточной водой составила 5000 м³/га. По-видимому, это связано большим накоплением органических остатков из сточных вод. Такая объемная масса, во-первых, должна благоприятна действовать на водопроницаемость почвы, во-вторых, на рост, развитие хлопчатника. К концу вегетации во всех вариантах отмечалось некоторое увеличение объемной массы, что связано с просадкой слоев почвы после поливов и проходов сельскохозяйственной техники.

Аналогичная закономерность сохранялась и в другие годы.

В нижних слоях засоленных дефлированных лугово-сазовых почв между вариантами существенного различия не наблюдалось.

Средняя водопроницаемость в течение 1 ч. в варианте промывки речной водой составила – 176,7-177,9 м³/га, сточной водой – 148,1-151,0, смесью сточной и речной водой соотношением 1:2 – 168,7-169,9 м³/га, соотношением 1:1 – 158,1-161,0, соотношением 1:0,5 – 152,3-158,8 м³/га.

Результаты исследований. Как отмечалось выше, для промывки засоленных почв использовали городские и промышленные сточные сбросные воды, характеризующиеся слабощелочной реакцией (рН-7,2-7,6). Содержание гумуса составляет 1,01 %, нитратного азота – 11,35, фосфора – 22,14, калия – 32,11, меди – 0,19, бора – 0,07, марганец – 3,41, кальция – 50,82, сульфат – 30,12 мг/л, общего сухого вещества – 1447 мг/л. Следовательно, эти воды богаты макро- и микроэлементами, а также гумусом.

Установлено, что исследуемые почвы по исходному содержанию легкорастворимых солей относятся к средnezасоленным. По вариантам опыта почвы практически не различались как по степени засоления, так и по качественному составу солей. Данные по изучению плотного остатка, хлор-иона и SO₄ по вариантам опыта после промывки претерпели количественные изменения во всех вариантах опыта. При промывке городскими сточными водами вымывание солей происходило заметно, количество промытых солей равняется количеству солей, удаленных при промывке такими же нормами, но только сточными водами. Эта же закономерность сохраняется при промывке нормой 3500 м³/га в соотношении сточных и речных вод 1:2 и 1:0,5. Такая же картина наблюдается при использовании 5000 м³/га промывной воды.

Возникает вопрос, почему соли промываются лучше при использовании сточных вод, чем речных. Дело в том, что, во-первых, сточные воды на 3-4⁰С теплее речных, во-вторых, они содержат определенное количество органических веществ. При промывке солей органические вещества накапливаются в почве. Поскольку водоудерживающая способность легких дефлированных почв невысокая, а водопроницаемость очень сильная, чтобы соли промылись, сначала они должны раствориться. В указанных условиях они не растворяются полностью, но все же больше, чем при промывке речной водой. Например, при промывке почв нормой 3500 м³/га речной водой в 0-50 см слое происходило заметное уменьшение солей, было промыто около 5,5 т/га. На участке, промытом таким же количеством сточной воды, солей удалено почти в 5 раз больше (в 0-50 см слое 25,06 т/га). Почти такая же картина наблюдается при использовании речной воды на глубине 0-100 см, но солей по сравнению с 0-50 см слоем вымыто в 1,5 раза больше.

Как известно, на рост и развитие хлопчатника особенно губительно действует ион хлора. В указанном выше варианте в 0-50 см слое вымыто 1,05 т/га хлора, при промывке сточными водами 1,47 т/га. В метровом слое соответственно качеству промывной воды 3,50 и 5,04 т/га т.е. эти почвы остались в средней степени засоленными. Почти на 50 % вымыто иона SO_4 в вар.1 и 2, т.е. там, где применялись речные и сточные воды.

Картина более проясняется тем, где для промывки вредных водо-растворимых солей использовали 5000 м³/га сточной и речной вод. Здесь при использовании речной воды из 0-50 см слоя удалено более 12 т/га, из 0-100 см слоя 24,4 т/га солей. Хлор-иона, соответственно глубинам 1,19 и 3,92 т/га, т.е. там, где почва промыта речной водой, по количеству хлор-иона она оказалась в слабой степени засоленной. На вар.3 с промывной нормой 3500 м³/га и соотношением сточной и речной вод 1:2 солей удалено намного больше, чем при промывке этим же количеством воды, но только речной. Следует отметить, что накопление органики в почве при промывке сточными водами способствует растворимости солей, так как она гидрофильная, водоудерживающая способность почвы увеличиваются.

Установлено, что длительная промывка засоленных почв речными водами приводит к потере питательных элементов из почвы. Дело в том, что во время промывки солей вместе с вредными водорастворимыми солями вымываются азот, калий и другие макро-микроэлементы до грунтовых вод, они выходят в коллекторно-дренажную сеть. Поэтому нам было интересно наблюдать питательный режим почвы до, после промывки разными и качествами воды.

Нами установлено, что на 3-й год после ежегодной промывки речной водой нормой 3500 м³/га потери гумуса в пахотном слое составили 0,58, азота 0,048, фосфора 0,020 %. Удивительно, то, что в этих легких почвах даже вымывается фосфор, хотя до сих пор вопрос о вымывании фосфора между учеными остается спорным. При промывке таким же количеством сточных вод потери гумуса равны 0,30, азота 0,012 и фосфора 0,026 %, при соотношении сточной воды с речной 1:2 – соответственно 0,098; 0,032 и 0,008 %, при соотношении 1:1 наблюдалась почти такая же картина, разница незначительная. Такая же закономерность выявлена и при других соотношениях сточной и речной вод.

Выводы. *Почвы опытного участка глубокозасоленные, соли в основном накопились там, где образовались арзиковые и шоховые водоупорные горизонты.

* Объемная масса верхних слоев почвы благоприятна для промывки засоленных почв, роста и развития хлопчатника. Глубже она увеличивается, что оказывается неблагоприятным фактором. Водопроницаемость верхних слоев этих почв очень сильная, в результате вода во время промывок накапливается в водоупорной зоне, что приводит к повышению уровня грунтовых вод и вторичному засолению.

* Ранее установлено, что промывные речные воды наряду с удалением вредных водорастворимых солей частично уносят и жизненно важные питательные вещества и элементы. Промывки засоленных почв очищенными отходами городских и промышленных вод, наоборот обогащаются питательными веществами и элементами. Почвы хорошо опресняются при промывки их смесью сточных и речной вод с соотношением 1:0,5 или 1:1.

Использованная литература.

1. Мирзажанов К.М. Ветровая эрозия в орошаемой зоне Узбекистана и борьба с ней // Ташкент. 1973.
2. Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ, новой техники, изобретений и рационализаторских предложений. Москва: «Колос». 1987.
3. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. Ташкент. 1973.
4. Методика полевых опытов с хлопчатником. Ташкент. 1981.

ИҚТИСОД ФАНЛАРИ

Nasretdinova F.O., Allaberganov I.Sh. (Urganch davlat universiteti)
**IJTIMOY TADBIRKORLIK VA IJTIMOY MAS'ULIYATNING INSON
 TARAQQIYOTIDAGI AHAMIYATI**

Annotatsiya. *Ushbu maqolada ijtimoiy tadbirkorlik va ijtimoiy himoya konsepsiyasi, uning rivojlanish sabablari, turlari va korporativ ijtimoiy mas'uliyatning jamiyat muammolarini hal qilish va ijtimoiy farovonlikni oshirishdagi ahamiyati xorijiy mamlakatlar misolida batafsil yoritilgan.*

Kalit soʻzlar. *Ijtimoiy tadbirkorlik, ijtimoiy mas'uliyat, ijtimoiy faollik, ijtimoiy biznes, korporativ ijtimoiy mas'uliyat, ijtimoiy korxonona.*

Аннотация. *В этой статье обсуждаются концепции социального предпринимательства и социальная защита, его причины, типы и важность корпоративной социальной ответственности в решении проблем сообщества и содействие социальному обеспечению.*

Ключевые слова. *Социальное предпринимательство, социальная ответственность, социальная деятельность, социальная защита, социальный бизнес, корпоративная социальная ответственность, социальное предприятие.*

Abstract. *This article discusses the concepts of social entrepreneurship and social protection, its causes, types and importance of corporate social responsibility in solving community problems and promoting social welfare.*

Key words: *Social entrepreneurship, social responsibility, social activities, social protection, social business, corporate social responsibility, social enterprise.*

Ijtimoiy tadbirkorlik - ijtimoiy, madaniy va ekologik muammolarning yechimini ishlab chiqish, moliyaviy ta'minlash va ushbu maqsadlarga yo'naltirilgan loyihalarni rivojlantirish uchun tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirishning texnik-iqtisodiy shakli hisoblanadi [1]. Ushbu kontseptsiya turli o'lcham, maqsad va yo'nalishga ega bo'lgan tashkilotlarga nisbatan qo'llanilishi mumkin [2]. Tadbirkorlar odatda foyda, daromad va qimmatbaho qog'ozlarning o'sishi kabi biznes o'lchov birliklari orqali o'z faoliyatlariga baho beradilar, ammo ijtimoiy tadbirkorlar "ijobiy ijtimoiy samara"ga erishish maqsadida tijorat yoki notijorat shakllarida faoliyat olib boradilar, shu sababli ular turli xil biznes o'lchov birliklaridan foydalanadilar.

Ijtimoiy tadbirkorlik, odatda, qashshoqlikni kamaytirish, sog'liqni saqlash va jamiyatni rivojlantirish kabi sohalarida ko'ngillilar sektori bilan hamkorlikda ijtimoiy, madaniy va ekologik maqsadlarni yanada kengaytirishni ko'zda tutadi [3].

Asosan, 2010-yildan boshlab ijtimoiy tadbirkorlik sohasida ijtimoiy tarmoqlar va ijtimoiy media-saytlardan foydalanish uchun shart-sharoitlar yaratila boshlandi. Ushbu veb-saytlar ijtimoiy tashabbuskorlarga geografik jihatdan yaqin, bir xil maqsadlarga ega bo'lib, onlayn hamkorlik qilish, muammolarni o'rganish, guruh faoliyati to'g'risida ma'lumot tarqatish, rag'batlantirish hamda odamlarni jalb qilish orqali mablag' to'plash imkonini beradi.

2000-yillarda olimlar va amaliyotchilar qanday shaxslar yoki tashkilotlarni ijtimoiy tadbirkorlar deb hisoblash mumkinligini muhokama qila boshladilar. Bugungi kunga qadar, ijtimoiy tadbirkorlik ta'rifiga oid qat'iy kelishuv mavjud emas, chunki ko'plab turli sohalar, fanlar va tashkilot turlari ijtimoiy tadbirkorlik bilan bog'liq bo'lib, foyda olish, biznes va xayriya ishlarini birlashtiradigan gibrid modellar jumlasiga xayriya tashkilotlari, ko'ngillilar sektori tashkilotlari va nodavlat tashkilotlari kiradi. Xayriya tashkilotlari, ijtimoiy faollar, ekologik masalalar bilan shug'ullanuvchilar va ijtimoiy yo'naltirilgan boshqa amaliyotchilar ko'pincha ijtimoiy tadbirkorlar deb yuritiladi. Ijtimoiy tashabbuskorlar ijtimoiy soha va jamiyatni rivojlantirishdan tortib to tadbirkorlik va atrof-muhit masalalariga qadar turli xil kasb-hunar turlari va kasbiy yo'nalishlarni o'z ichiga olishi mumkin. Shuning uchun ijtimoiy tadbirkor kim ekanligini aniqlash qiyin.

Devid Bornshteyn [4] ko'pgina ijtimoiy tadbirkorlarda kuzatiladigan noan'anaviy strategiyalar tufayli ijtimoiy tadbirkorlarni "ijtimoiy innovator" atamasi bilan uyg'unlikda ishlatadi [5]. Ijtimoiy tadbirkorlikning aniq ta'rifini ishlab chiqish uchun uning boshqa ko'ngillilar tarmog'i va xayriya yo'nalishidagi faoliyati bilan bir qatorda ushbu sohaning funksiyasini belgilash va ijtimoiy tadbirkorlik keng qo'llaniladigan chegaralarni aniqlash zarur [6]. Ayrim olimlar, asosan, xayr-ehsonlar yoki grantlardan daromad olish o'rniga, foyda keltiradigan daromadga (ya'ni iste'molchilarning daromadidan daromad olishiga) asoslanadigan tashkilotlar asoschilariga ijtimoiy tadbirkorlikni targ'ib qilishni ma'qul deb hisoblashadi. Boshqalari buni davlat organlarida shartnoma tuzish uchun kiritishgan degan fikrda bo'lsalar, boshqalari grantlar va xayriya mablag'lari ham ijtimoiy tadbirkorlikning moliyaviy manbalaridan biri ekanligini ta'kidlashadi.

Zamonaviy jamiyatda ijtimoiy tadbirkorlik tadbirkorlarning foyda olishiga altruistik shaklini (jamiyat tomonidan olinadigan foyda) taklif qiladi. Qisqacha aytganda, ijtimoiy sarmoya jamiyatning ijobiy samarasi uchun yo'naltiriladigan bo'lsa tadbirkorlik ijtimoiy tadbirkorlikka aylanadi. Ijtimoiy tadbirkorlikning muvaffaqiyati an'anaviy korxonalar ustunlik qilmaydigan, ijtimoiy ta'sirga oid ko'plab omillarga bog'liq. Ijtimoiy tadbirkorlar zudlik bilan ijtimoiy muammolarni tan olishadi, shuningdek, intizomga, dalillar va nazariyalar ta'sir ko'rsatadigan muammoning keng qamrovini tushunishga harakat qilishadi. Muammoning jamiyat bilan qanday bog'liqligi haqida kengroq ma'lumotga ega bo'lishga, ijtimoiy tadbirkorlarga innovatsion yechimlarni ishlab chiqishga va mavjud global resurslarni jalb qilishga imkon beradi. An'anaviy korporativ bizneslardan farqli o'laroq, ijtimoiy tadbirkorlik sub'ektlarining faoliyati daromadlarni maksimal darajada oshirishdan ko'ra, ijtimoiy qoniqishdagi daromadlarni maksimal darajada oshirishga qaratilgan [7].

Ijtimoiy tadbirkorlik bilan shug'ullanuvchi taniqli shaxslar orasida pokistonlik Aksher Hamid Xan va bangladeshlik Muhammad Yunus ham bor [8]. Yunus, Grameen Bank asoschisi, Osiyo, Afrika va Lotin Amerikasidagi ko'plab rivojlanayotgan mamlakatlarda innovatsiyalarni qo'llab-quvvatlash uchun mikromoliyalash konsepsiyasini kashf etdi. Uning harakatlari uchun Nobel mukofotiga sazovor bo'lgan. Shuningdek sobiq Indianapolis shahri hokimi Stiven Goldsmith, shahar xizmatlarini ko'rsatish sohasiga xususiy sektorni qo'llash orqali mahalliy miqyosdagi ijtimoiy harakatlarga murojaat qilgan innovatorlardan biri [9].

Ijtimoiy tadbirkorlik tadbirkorlik konsepsiyasidan ajralib turadi, biroq uning biznes tushunchasi bilan bir qatorda o'xshashliklari ham mavjud. Fransiyalik iqtisodchi Jan-Batist Say (1767-1832) tadbirkor tushunchasiga innovatsion g'oyani "o'z zimmasiga" oluvchi hamda ijodkorlik dunyo qarashi orqali jamiyatga o'z ta'sirini o'tkazishga qodir shaxs sifatida ta'rif bergan [10]. Tadbirkor, shuningdek, ayrim iqtisodiy adabiyotlarda "iqtisodiy resurslarni unumdorligi pastroq bo'lgan maydondan yuqori mahsuldorlikka ega hududga ko'chiradigan" shaxs sifatida tan olinadi [11]. Biroq, "tadbirkorlik" va "ijtimoiy tadbirkorlik" o'rtasidagi farq yaratilish maqsadidan kelib chiqadi. Ijtimoiy tadbirkorlar jamiyatning farovon bo'lishi uchun turli xil resurslardan foydalanadilar.

"Ijtimoiy tadbirkorlik" tushunchasi yangi g'oya emas, lekin 2000-yillardan boshlab, ayniqsa, Charlz Lidbiterning "Ijtimoiy tadbirkorlikning yuksalishi" nomli asari nashr etilganidan keyin jamiyat va ilmiy tadqiqotlar orasida yanada mashhur bo'ldi [12]. Jamiyat taraqqiyoti va yuqori ijtimoiy maqsadlar bilan bog'liq ko'plab tadbirlar ijtimoiy tadbirkorlikning zamonaviy ta'rifiga to'g'ri keladi. Bugungi kunda belgilangan ta'rifga qaramay, ijtimoiy tadbirkorlik juda murakkab konsepsiya bo'lib qolmoqda, chunki u ko'p shakllarda namoyon bo'lishi mumkin. Konsepsiyaning keng ta'rifi ijtimoiy tadbirkorlikka oid tushunchalarni tushunish va tanqid qilishga imkon beruvchi keng tarmoqli tadqiqot ishlarini olib borishga asos bo'lib xizmat qiladi. Jamiyatning qaysi sektorida muayyan tashkilotlar (korporatsiya yoki shirkatlar, jamiyatlar, uyushmalar yoki kooperativlar) bo'lishidan qat'i nazar, ijtimoiy tadbirkorlik tadbirkorlik faoliyatini ijtimoiy ta'sirga qaratadi.

"Ijtimoiy tadbirkor" va "Ijtimoiy tadbirkorlik" terminlari birinchi marta 1953 yilda H.Boven tomonidan "Tadbirkorning ijtimoiy mas'uliyati" kitobida qo'llanilgan [13]. 1980-1990-yillarda Bill Drayton, Charlz Lidbiter va boshqalar tomonidan targ'ib qilingan. 1950-1990 yillarda

siyosatchi Maykl Young ijtimoiy tadbirkorlikning yetakchi targ'ibotchisi bo'lgan va 1980 yilda Garvard universitetida professor Daniel Bell unga "Ijtimoiy korxonalarining eng muvaffaqiyatli tadbirkori" sifatida yuqori baho bergan. Yosh tadbirkorning dunyo bo'ylab oltmishdan ortiq yangi tashkilotlari, jumladan, Buyuk Britaniya, Avstraliya va Kanadada faoliyat ko'rsatmoqda, shuningdek u o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish, ijtimoiy korxonalar va ijtimoiy biznesni tashkil etish, tadbirkorlik miqyosini kengaytirish va qo'llab-quvvatlaydigan Ijtimoiy Tadbirkorlar Maktabini (School for Social Entrepreneurs) yaratadi. Britaniyaning yana bir taniqli ijtimoiy tadbirkori Andryu Mavson bo'lib, u 2007 yilda Sharqiy Londonda Bov markazining Bromley shahrini qayta tiklash ishlari bilan shug'ullangan.


Ijtimoiy tadbirkorlar va ijtimoiy tadbirkorlik tushunchalari nisbatan yangi bo'lsa-da, tarixda ham ushbu sohaga oid ko'plab misollarni uchratishimiz mumkin. "Ijtimoiy tadbirkorlik"ning zamonaviy ta'rifini misol qilib keltiradigan bir nechta diqqatga sazovor odamlarning ro'yxati quyidagilar:

- Birinchi hamshiralik maktabi asoschisi va zamonaviy hamshiralik amaliyotini ishlab chiqqan tibbiyot arbobi Florence Nightingale;
- Robert Oven, Kooperativ harakatining asoschisi;
- Vinoba Bhave, Hindistonning Yer Hadyalari Harakati asoschisi.

XIX-XX asrlarda eng muvaffaqiyatli ijtimoiy tadbirkorlarning ba'zilar fuqarolik, hukumat va biznes dunyosiga tegishli shaxslardir. Ushbu kashfiyotchilar farovonlik, ta'lim va sog'liqni saqlash sohalarining rivojlanishiga xizmat qiluvchi yangi g'oyalarni ilgari surdi. Jon Elkington va Pamela Xartigan o'zining asarlarida [14] ijtimoiy tadbirkorlarning biznes tuzilmalarini turli xil vaziyat va iqtisodiy muhitda qo'llanadigan uch xil modelini izohlab beradi:

Notijorat modeli (*Leveraged non-profit*) - ushbu biznes modeli ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish uchun moliyaviy va boshqa resurslardan innovatsion usullarda foydalanadi [15].

Gibrid notijorat (*Hybrid non-profit*): Ushbu tashkiliy tuzilma har xil shakllardan foydalanishi mumkin, lekin u boshqa modellardan farq qiladi, chunki *gibrid notijorat foyda* ijtimoiy maqsadlarni o'zida aks ettirgan ko'plab operatsiyalarni bajarishi uchun ba'zi faoliyatlarning daromadlaridan foydalanishi mumkin. Gibrid daromadlar ko'pincha hukumat yoki bozordagi muvaffaqiyatsizliklar bilan shug'ullanish uchun yaratiladi, chunki ular qarzarlar, grantlar va an'anaviy moliyalashtirishning boshqa shakllarini talab qilmasdan turib operatsiyani amalga oshirish uchun daromad yaratishadi [16].



1-Chizma. Ijtimoiy korxonalar asosiy yo'nalishlarining tasniflanishi [19].


Ijtimoiy biznes tashabbusi (*Social business venture*): Ushbu modellar ijtimoiy vositalar orqali o'zgarishlarni yaratishga mo'ljallangan korxonalar sifatida o'rnatiladi. Ijtimoiy biznes tashabbusi moliyalashtirishning yetishmasligi tufayli paydo bo'ldi. Ijtimoiy tadbirkorlar ushbu vaziyatda foyda olish uchun ishlab chiqarishga majbur bo'ldilar, chunki kreditlar va sarmoyalar ijtimoiy biznesni moliyalashtirishning ancha murakkab turlari hisoblanadi [17].

Bundan tashqari, an'anaviy biznes o'z daromadlarining bir qismini ijtimoiy, madaniy va ekologik foydali faoliyatga sarflaydigan gibridli foyda modellarining keng doirasi mavjud. Ushbu turdagi faoliyatga "Xayriya tadbirkorligi" (*Philanthropreneurship*) atamasi qo'llanilgan. Korporativ xodimlar, shuningdek, kompaniya tomonidan rasman ruxsat berilmagan yoki bo'lmashligi mumkin bo'lgan ijtimoiy tadbirkorlik bilan shug'ullanishi mumkin. **Bu korporativ ijtimoiy tadbirkorlik** sifatida ta'riflangan [18].

Ijtimoiy korxonalar faoliyatining asosiy yo'nalishlari. Ijtimoiy korxonalar bir nechta toifalarga ko'ra tasniflanishi mumkin, garchi sohalar rivojlanib borayotgan ekan, yangi tarmoqlar va sohalar paydo bo'ladi. Hozirgi kunda tan olingan ijtimoiy korxonalar quyidagilar (1-chizma):

Ijtimoiy mas'uliyat – bu insonlar va tashkilotlarning ijtimoiy, madaniy, iqtisodiy va ekologik muammolarga axloqiy va ta'sirchan munosabatda bo'lishini aks ettiradi. Ijtimoiy mas'uliyatga intilish shaxslarga, hukumat va tashkilotlarga ijtimoiy va iqtisodiy taraqqiyotga ijobiy hissa qo'shish orqali yuqori samara keltirishga ko'maklashadi. Ijtimoiy tadbirkorlikning ijtimoiy mas'uliyati o'z navbatida ijtimoiy korxonalarining faoliyatida namoyon bo'ladi. Buni chizmada quyidagicha ifodalash mumkin (2-chizma).

2017 yilda iqtisodiyotimizni yuqori sur'atlar bilan barqaror rivojlantirishga erishganimiz aholi daromadlarini yanada ko'paytirish, xalqimiz hayot darajasi va sifatini oshirish uchun mustahkam asos yaratdi. Yurtimizda 10 foiz ta'minlangan va 10 foiz yetarlicha ta'minlanmagan aholi daromadlari o'rtasidagi farq barqaror pasayish tendensiyasiga ega.



2-Chizma: Tashkilotlarning ijtimoiy javobgarligi (korxonalar misolida) [20].

Ijtimoiy farovonlik – bu iqtisodiyot ijtimoiyligining muhim jihati, hayot kechirishning umumiy shart-sharoiti va turmush tarzini bildiradi. Farovonlik iste'mol bilan cheklanmay, hayot kechirishning naqadar qulayligini ham talab qiladi. Birinchi navbatda hayot kechirishning xavfsizligi ta'minlanishi kerak.

Ijtimoiy farovonlikning muhim tomoni aholining savodxonlik darajasidir. Bu o'qish yoshidagilarning qancha qismi amalda o'qishini, har bir kishining o'rtacha necha yil ta'lim olishini, ishlaydiganlarning qanchasi savodxon bo'lishini bildiradi. Farovonlikning ham iqtisodiy ham ijtimoiy tomonlarini birgalikda olinganda **inson komoloti indeksida** ifoda etiladi. Bunda jon boshiga YaIM miqdori, o'rtacha necha yil umr ko'rish, savodxonlik darajasi umumiy ko'rsatkich – indeks holiga keltiriladi va shunga qarab ulardagi farovonlikka baho beriladi. Masalan, 1998 yili dunyo mamlakatlari orasida Kanada komolot indeksi bo'yicha birinchi o'rinni egallagan. 2007 yili esa bu natija Norvegiyaga nasib etdi. Kamolot indeksi – inson salohiyati deb ham yuritiladi. Salohiyat darajasi bo'yicha dunyo mamlakatlari 4 guruhga bo'linadi:

1. Inson salohiyati eng yuqori;
2. Inson salohiyati yuqori;
3. Inson salohiyati o'rtacha;
4. Inson salohiyati past mamlakatlar.

Farovonlikning yuqori bo'lishi kishilar o'rtasidagi tengsizlik saqlangan holda hammaning to'q, tinch va xotirjam yashashini bildiradi. Farovonlik yuqori joyda u past bo'lgan yerga nisbatan ijtimoiy ahillik qaror topadi, ijtimoiy nizolar minimal darajaga keltiriladi, ijtimoiy to'qnashuvlarga o'rin qolmaydi. Bunday vaziyatda iqtisodiy o'sish uchun qulay ijtimoiy sharoit vujudga keladi.

Ijtimoiy himoya siyosati. Bu aholining nochor qatlamlariga yordam berish, ularni qo'llab-quvvatlab turish siyosatidir. Unga ko'ra o'zi ishlab pul topishga qodir bo'lmagan kishilarga budget hisobidan pul bilan va moddiy shaklda yordam ko'rsatiladi. Daromadi kam kishilar soliqlardan ozod qilinadi, ularga turli nafaqalar berib turiladi, bir yo'la yordam ham ko'rsatiladi. Muhtoj kishilarga bepul oziq-ovqat va kiyim-kechak tarqatiladi, bepul yotoqxonalar ajratiladi. Ijtimoiy yordam miqyosi muhtojlarga soniga va davlatning moliyaviy imkoniyatlariga bog'liq bo'ladi.

“Ijtimoiy himoyalash” ning zamonaviy tushunchasi Xaqlaro Mehnat Tashkiloti (XMT), Umumjahon Sog'liqni Saqlash tashkiloti (USST), Xalqaro Ijtimoiy Ta'minot Uyushmasi (XITU) ning ijtimoiy sug'urtalash va ijtimoiy yordam bo'yicha konvensiyalari va tavsiyalarida shakllangan.

Ijtimoiy himoyalash – bu davlat tomonidan aholiga ishchi kuchini me'yorida, takror ishlab chiqarish va mehnatga layoqatli boqimandaqlar hamda ijtimoiy xatarlar, ishlab chiqarishdagi jarohatlar, vaqtinchalik mehnat layoqatini yo'qotish va yoshiga ko'ra uni yo'qotish tufayli yoki boshidan unga ega bo'lmaganlar (nogironlar, bolalar va h.k.) ning yashashi zaruriy kafolatlangan eng kam turmush darajasini ta'minlash yuzasidan vujudga keladigan munosabatlar tizimidir.

Aholini ijtimoiy himoyalash tizimida *ijtimoiy ta'minotga* alohida e'tibor qaratiladi. Ijtimoiy ta'minot tizimi ilk marotaba Yevropada XIX asrning oxirida joriy etilgan va II Jahon urushidan keyin oxirgi shaklini olgan. Olimlar tomonidan ijtimoiy ta'minot tushunchasiga berilgan ta'riflar juda ham xilma-xildir. Biroq ko'pchilik tadqiqotchilar uni alohida hayotiy vaziyatlarda (daromadning yo'qotilishi yoki pasayishi yoki yuqori xarajatlar, kam ta'minlanganlik yoki kambag'allik) fuqarolar himoyasini ta'minlaydigan ijtimoiy himoya blokalaridan biri sifatida o'rganiladi [21].

Ijtimoiy himoyaning zamonaviy tizimiga mehnat bozori institutlari ham kiradi, bular quyidagilar:

- eng kam ish haqi instituti;
- ijtimoiy sheriklik instituti;
- aholi bandligiga ko'maklashish davlat faol dasturlari.

Yevropa Ittifoqida turmush darajasi dinamikasi o'sish tomonga o'zgarmoqda. Bir kishiga to'g'ri keladigan YaIM Lyuksemburgda eng yuqori va Bolgariyada eng past hisoblanadi. YI o'zining boy va kambag'al a'zolari o'rtasidagi farqni kamaytirish, Yevropa iqtisodiyotini kuchaytirish, uning raqobatbardoshligini oshirish va ko'plab ishchi o'rinlarini yaratish, shu orqali turmush sifatini yaxshilashga urinmoqda.

Yevropa Ittifoqi talablariga muvofiq, Xalqaro Mehnat Tashkilotning 102-sonli “Ijtimoiy ta'minotning eng kam me'yorlari to'g'risidagi (Jeneva, 1952-yil, 4-iyun) 131-sonli “Eng kam ish haqini belgilash to'g'risida”gi konvensiyalari barcha mamlakatlarda ratifikatsiyalangan. Eng kam ish haqi darajasi barcha Yevropa Ittifoqi mamlakatlarini shartli ravishda 3 guruhga ajratish mumkin:

Birinchi guruh 9 ta mamlakatni o'z ichiga oladi (Bolgariya, Ruminiya, Latviya, Litva, Slavakiya, Estoniya, Polsha, Vengriya va Chexiya). Eng kam ish haqi bu guruhda 2006-yil 1-sentabrda 82-331 yevrogacha tashkil qiladi.

Ikkinchi guruhda eng kam ish haqi 437-668 yevrogacha bo'lgan 5 ta mamlakat mavjud (Portugaliya, Sloveniya, Malta, Ispaniya va Gretsiya).

Uchinchi guruh 6 ta Yevropa mamlakatlarini o'z ichiga oladi (Fransiya, Belgiya, Buyuk Britaniya, Niderlandiya, Irlandiya va Lyuksemburg). Unda eng kam ish haqi 1200 yevrodan yuqorini tashkil qiladi [22].

Mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish muhim davlat dasturlarida sog'liqni saqlash va ta'lim sohasiga kapital qo'yilmalar mamlakat iqtisodiyotining o'sishiga to'g'ridan-to'g'ri bog'liq

va haqiqatda davlatning kelajagiga investitsiya hisoblanadi. Mamlakatning istiqboldagi taraqqiyoti fuqarolarning tashabbuskorligi, ularning ijodiy, ta'lim, madaniy, intellektual va ilmiy salohiyati bilan belgilanib, uning to'planishi fuqarolar turmushini sifatli yaxshilash omili bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. The New Heros, What is Social Entrepreneurship, Oregon Public Broadcasting, 2005.
2. "The Meaning of Social Entrepreneurship", J. Gregory Dees, 1998, rev 2001 "The Meaning of Social Entrepreneurship". *caseatduke.org*. Retrieved 2013-05-03.
3. Thompson, J.L. (2002). "The World of the Social Entrepreneur". *The International Journal of Public Sector Management*. 15 (4/5):413.
4. Devid Bornshteyn - ijtimoiy innovatsiyalar sohasida faoliyat olib boruvchi jurnalistlar va yozuvchi. Ijtimoiy tadbirkorlik bo'yicha uchta kitobi nashr qilingan. U Nyu-York Tayms veb-saytining Fixes blogidagi jurnalistika tarmog'ining asoschilaridan biridir.
5. David Bornstein, "How to Change the World" (New York: Oxford University Press, 2007), 1, 92.
6. Abu-Saifan, S. 2012. Social Entrepreneurship: Definition and Boundaries. Technology Innovation Management Review. February 2012:22-27.
7. Alvord, Sarah H., Brown, David L., and Letts, Christine W. "Social Entrepreneurship and Societal Transformation: An Exploratory Study". *The Journal of Applied Behavioral Science*. no. 3 (2004):260-282.
8. Martin, R. L.; Osberg, S. (2007). "Social entrepreneurship: The case for definition". *Stanford social innovation review*. 5 (2):28-39.
9. Goldsmith, Stephen (March 2010). *The Power of Social Innovation: How Civic Entrepreneurs Ignite Community Networks for Good*. Jossey-Bass. ISBN 978-0-470-57684-7.
10. Martin, R. L.; Osberg, S. (2007). "Social entrepreneurship: The case for definition". *Stanford social innovation review*. 5 (2):28-39.
11. Peter F. Drucker, *Innovation and Entrepreneurship* (New York: Harper Business, 1993), 21
12. Wee-Liang, Williams, John, and Tan, Teck-Meng. "Defining the 'Social' in 'Social Entrepreneurship': Altruism and Entrepreneurship". *The International Entrepreneurship and Management Journal*. no. 3 (2005):353-365.
13. For example, the phrase was used as a description of Howard Bowen, *Social Responsibilities of the Businessman*, America, 1953.
14. The Power of Unreasonable People – John Elkington and Pamela Hartigan
15. *The Power of Unreasonable People*, 2008. pg. 31.
16. *The Power of Unreasonable People*, 2008. pg.37.
17. *The Power of Unreasonable People*, 2008. pg. 42.
18. Hemingway, Christine A. *Corporate Social Entrepreneurship: Integrity Within*. Cambridge: Cambridge University Press, 2013. pg.135 ISBN 978-1-107-44719-6
19. "Ijtimoiy tadbirkorlik"ka oid adabiyotlar asosida muallif tomonidan ishlab chiqildi.
20. Тавер, Е.И. Стандарты и социальная ответственность бизнеса [Текст]/ Е.И.Тавер // Акционерное общество: вопросы корпоративного управления. 2010. № 5 URL: <http://gaap.ru> (дата обращения 02.04.2017).
21. Павлюченко В.Т. «Социальное страхование». Москва: «Дашков ИК». 2007. С. 13.
22. Country Background Papers; OESP.

УДК:33.338(379.85)

Қўзибоев Б.Х., Султанова Л.И., Азатов С.А. (УрДУ)

МИНТАҚАДАГИ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада минтақадаги туристик ресурслар комплекс таҳлил қилинган. Шунингдек, истиқболда улардан оқилон фойдаланиб вилоят туризм соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: минтақа, туристик ресурс, туристик хизматлар, туристик салоҳият, сайёҳ, тур гид.

Аннотация. В статье комплексно проанализированы туристические ресурсы региона. Также даны предложения по дальнейшему развитию регионального туристического сектора путем их рационального использования.

Ключевые слова: регион, туристический ресурс, туристические услуги, туристический потенциал, турист, тур гид.

Abstract. In this article, the touristic resources of the region are analyzed in a complex way. Moreover, recommendations in using them rationally are given for further development of the tourism sector in the region.

Key words: region, touristic resource, touristic services, touristic ability, tourist, touristic guide.

Миллий иқтисодийни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш шароитида минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда минтақа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим. Хоразм вилоятига хос бўлган хусусиятлардан бири бу туристик ресурсларга бойлиги ва туризм индустрияси потенциалидир.

Туризмни ривожлантириш бевосита туристик ресурсларга боғлиқ. Хоразм вилояти ана шундай туристик ресурсларга, жумладан, тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойларга бой минтақа ҳисобланади. Улар асраб-авайланаётгани, сайёҳлар учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани натижасида вилоятда туризм изчил ривожланмоқда. Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: "...вилоятга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтиришда тарихий обидаларнинг аҳамияти бекиёсдир. Тарихий объектларни қайта тиклаш ва таъмирлашда асл миллий кадрият ва урф-одатларимизни сақлаш ва хорижликларга кўрсатиш зарур" [1].

"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодийда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [3].


Хоразм вилоятида сўнгги йилларда туризм соҳаси жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, Хоразм вилоятига 2016 йилда 75,8 мингдан ортиқ хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрган. Шундан, 46,6 мингдан ортиғини хорижий сайёҳлар ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 15 фоизга ошган. Шунингдек, Хоразм вилоятига 2016 йилда эса дунёнинг 84 тадан ортиқ давлатидан хорижий сайёҳлар келган.

2016 йилда Хоразм вилоятига дунёнинг етакчи мамлакатларидан бўлган Германиядан 5378 нафар, Франциядан 6128 нафар, Италиядан 3748 нафар, Испаниядан 2369 нафар, Япониядан 3017 нафар сайёҳ воҳамизга ташриф буюрган (1-расм).

Шу билан биргаликда, МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) давлатларидан 2016 йилда 6600 нафар сайёҳлар ташриф буюрган ва 2015 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 14 фоизга ошган. Бундан ташқари, маҳаллий сайёҳлар сони 2016 йилда 29200 нафардан

ортиқни ташкил қилиб, бу кўрсаткич олдинги йил билан солиштирганда 28 фоизга ошган [4].

1-расм. 2015-2016 йилларда Хоразм вилоятига дунёнинг 5 та етакчи мамлакатидан энг кўп таъриф буюрган сайёҳлар сонининг ўсиш динамикаси [4]



Шуни айтиш лозимки, минтақада туризм соҳасини ривожлантиришга таъсир қилувчи асосий омил туристик ресурслар ҳисобланади. Туристик ресурс омиллар минтақада туризм соҳасини ривожлантиришда пойдевор вазифасини бажаради.

Туристик ресурсларга иқтисодчи олим Н.Э.Ибадуллаев қуйидагича таъриф беради: “Туристик ресурслар дейилганда, инсоннинг жисмоний, руҳий ва ақлий кучини тиклаши, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш каби эҳтиёжларини кондиришга қаратилган, туризм фаолиятини ташкил этишга асос бўлувчи табиий, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа объектлар тушунилади. Шунинг учун ҳам туристик ресурсларга ҳудудда туристик мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган юқорида номлари келтирилган барча объектлар киради” [2]. Хоразм вилояти ҳам ўзининг қуйидаги туристик ресурсларига эга.

1-жадвал. Хоразм вилоятининг бугунги кундаги туристик ресурслари ва ҳудудлари [5]

Туристик ресурслар	Тарқиб	Минтақа ҳудудларида тарқалиши
Табиий ресурслар ҳамда биологик хилма-хиллик	Чўллarning табиати, ер усти рельефи, флора ва фаунаси	Бутун вилоят ҳудуди
Ағдарё ва унинг қавқаси	Дарё, унинг соҳилидаги рекреация ресурслари, дарё ўзанидаги тўқайзор ва ўрмонлар, ўсимликлар дунёси	Богол, Хонқа, Урганч, Ҳазорасп
Археологик туризм ресурслари	Қадимий Хоразм пойтахтлари олтин қалқаси, қадимий қатъалар, археологик топилмалар	Хива, Урганч, Шовот, Ҳазорасп, Қўшқўтлар
Тарихий обидалар билан боғлиқ ресурслар	Тарихий обидалар	Хива, Урганч, Шовот, Богол, Ҳазорасп, Янгиариқ
Диний зиёратгоҳлар	С.Увайс, Ю.Ҳамдоний, П.Маҳмуд, Мухтор вали, Норинскон бобо зиёратгоҳлари ва бошқа муқаддас қадасколар	Хива, Урганч, Богол, Янгиариқ
Туризмнинг махсус турлари ресурслари	Ҳунармандчилик, урф-одағлар, миллий санъат ва ёйлар	Бутун вилоят ҳудуди

Мана шундай беқиёс табиий-географик, тарихий-маданий ва замонавий туристик ресурсларга эга бўлган воҳамиз ҳақида дунё аҳлини хабардор қилиш ва бу ерга имкон қадар кўпроқ хорижий сайёҳларни жалб этиш ушбу соҳани яқин келажакда ривожлантиришнинг энг долзарб вазифаларидандир.

Юқорида қайд этилган туристик ресурслардан бугунги кунда оқилона фойдаланилмаётгани асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммонинг ечимини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди ва туризм соҳаси бўйича етакчи мутахассислар билан фикр алмашилди.

Хусусан, АҚШ Флорида Saint Leo Университети профессори, UNWTO (Бутунжаҳон туризм ташкилоти) эксперти PhD Stanley McGahey билан ўтказилган сўровда қуйидаги муаммолар аниқланди:

- минтақадаги туристик ресурслар тўғрисида маълумотлар базасининг шаклланмаганлиги;
- Урганч шаҳрининг инфратузилмасининг замонавий талабларга жавоб бермаслиги;
- туристик хизматлар сифатининг етарли даражада юқори эмаслиги (меҳмонхона хизматлари, “Ичан Қалъа” ҳудудидаги тур гидларнинг хорижий тилда эркин мулоқот қила олмасликлари).

Шунингдек, тадқиқот давомида Амударё ва унинг ҳавзасидаги тўқайзорларда ҳалигача туристик инфратузилманинг яратилмаганлиги ҳамда тур фирмалардаги тур агентларининг маркетинг йўналиши бўйича билим ва кўникмасининг етарли эмаслиги каби бир қатор муаммолар ўрганилди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республика ҳукумати, маҳаллий ҳокимият ҳамда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Шундай бўлсада, Хоразм вилоятида мазкур соҳада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд ва ушбу муаммолар ўз ечимини топишни тақозо қилади.

Фикримизча, қуйидаги таклифлар орқали мазкур муаммоларни ҳал қилиш мумкин:

- дунё аҳлини Ўзбекистоннинг (Самарқанд, Бухоро, Хива) туристик салоҳиятидан хабардор қилиш мақсадида Халқаро телевидения тармоқларида махсус телеканал ташкил қилиб, унда 24 соат давомида инглиз ва рус тилларида туристик ресурсларни тарғиб қилувчи видео ролик ва кўрсатувлар намойиш қилиниши лозим;

- вилоятда экинга яроқсиз ва фойдаланилмаётган ерларда овчилик учун махсус ҳудудлар яратиш керак. Бу ўз навбатида, овчилик туризмга қизиқувчи хорижий сайёҳларни ўзига жалб этади;

- вилоятнинг устувор тармоқларидан бири сифатида қишлоқ хўжалигини эътироф этадиган бўлсак, мазкур тармоқда агротуризмни ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Бу эса вилоятда қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш билан бирга қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси сифатини ошишига замин яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш туризм соҳасининг энг муҳим шарти ҳисобланади. Бу борада мавжуд камчиликларни бартараф қилиш вилоятнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифидаги сўзлаган нутқи. www.xorazm.uz
2. Ибадуллаев Н.Э. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари номзоди диссертацияси автореферати. Самарқанд: СамИСИ. 2010. 24 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг маълумотлари.
5. Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. Тошкент. 2014.

ТАРИХ ФАҲЛАРИ

UDK: 745.03

Masharib Abdullaev (Khorezm Mamun academy)

EFFECT OF ETHNIC-CULTURAL CONNECTIONS TO KHOREZMIAN APPLIED ART

Abstract. *In this article, the influences of ethnic-cultural connections to Khorezmian applied art by the aiding archive and historical sources have been analyzed.*

Key words: *Khiva, "Ichan kala", khanate, hookah, Aral Sea.*

Аннотация. *Мақолада Хоразм амалий-безак санъатига этномаданий муносабатларнинг таъсири тадқиқ қилинган.*

Калит сўзлар: *Хива, "Ичон қалъа", хонлик, чилим, Орол денгизи.*

Аннотация. *В статье проанализированы влияние этнокультурных отношений на прикладного-декоративного искусства Хорезма.*

Ключевые слова: *Хива, "Ичан кала", ханства, кальян, Аральское море.*

Introduction. Khorezm is one of the ancient civilizations, which has its own culture and art. Wars, movements and great empires passed over in this territory. Ancient and medieval period of Khorezm were explored a lot, and this article deals with ethno-cultural connections in the period of Khivan khanate and their effect to Khorezmian applied art.

Let us have a talk about historical condition in this period: Khorezm met an economic crisis after Mongol invasion. In the second half of 13th and early 14th century, Khorezm revived its economy in the period of Golden Orda sultans. However, Khorezm could not have progress being within the big empire without any support. After coming into power, Tamerlane tried to create a big empire containing Mawaraunnahr, Khorezm and Khorasan. In 1372-1388, he occupied Khorezm after five times of military marches and united the whole Central Asia. Khorezm began to flourish socially and economically. Nevertheless, wars among the Temurid princes made Khorezm progress in its own way again. Khorezm officially governed by local Sufi dynasty under the power of Sultan Husain. In 1505, Khorezm was invaded by Shaybanikhan, and in 1510 by Ismail Safawi. In 1511, independent Khorezmian state was established, but the state could not unified politically because of the internal wars and this period was known as economic crisis. In 1740, Khorezm was under the obedience of Iranian state of Nadir shah. However, it did not last long and in 1770, Kungrad dynasty governed the state, 1804 they officially governed Khiva khanate. This independence lasted until 1873 and in 1873-1920; the khanate was a vassal of Russian empire.

Which ethno-cultural connections happened in the last 400 years in the territory of Khorezm?

First, nomadic tribes moved to Khorezm after Shaybanikhan in 1511 and civilized in the territory. Second, in 1510 and 1740, in the result of Iranian invasion and Khorezmian khans' marches, Iranians moved to Khorezm. Third, neighbor Turkmen tribes made raids to Khorezmian territory and robbed Khorezmian children and women. In its turn, Khivan khans made attacks to Turkmen tribes and brought Turkmens as captives to Khorezm. Fourth, Kara kalpak tribes around Low Amudarya River and Aral Sea were subdued to Khiva khanate. Fifth, Kazak juz (unity of families) were under the jurisdiction of Khorezm. Sixth, from the 16th century, Turkmens sold Russian captives as slaves in Khiva bazaars. After 1873, Russians, who came with military purposes and their families, resided in this territory. Seventh, minority of some nations resided in Khiva khanate. They are German Mennonites who immigrated in the late 19th century, Jews from Bukhara, and Arabs during the spread of Islam, Indians, Afghans and others with the purposes of trade. In the period of Khiva khanate, the population were consisted of three ethnical layers: 1) local people; 2) nomadic tribes emigrated in the period of Shaybani dynasty; 3) Turkmen and Kara kalpak tribes from neighbor territories. The population included Uzbeks 68%, Turkmens 12%, Kara kalpaks 10%, Russians 2% and others 10%.

So, Iranians, Turkmens and Kara kalpaks may have affected to the culture and art of Khorezm. In which way did they affect?

ОБ – الآثار الباقية عن القرون الخالية – *ал-Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-холия* (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”). Асар муаллифи: ابو الريحان محمد بن احمد البيروني – Абу Райхон Муҳаммад бин Аҳмад ал-Беруний. У 973 йили Хоразмда туғилиб, 1048 йили Ғазнада вафот этган. Беруний асарни 1000 йили 27 ёшида ёзиб тугатган [1:13]. Эдуард Захау 1876-1878 йилларда Лейпцигда асарнинг арабча нусхасини биринчи марта нашр этди [2]. Бу нашрнинг фотонусхаси ЎзР ФА ШИ фондида № 52 инвентар рақами остида сақланади [1].

Сайд. – *Китоб ас-Сайдана фит-тиб* (“Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”). Асар муаллифи: ابو الريحان محمد بن احمد البيروني – Абу Райхон Муҳаммад бин Аҳмад ал-Беруний.

Тафх. – الكتاب التفهيم لا صناعة التنجيم – *Китоб ат-Тафҳим ли авойил синоат ат-танжим* (“Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”). Асар муаллифи: ابو الريحان محمد بن احمد البيروني – Абу Райхон Муҳаммад бин Аҳмад ал-Беруний. Асар 421/1029-30 йили Ғазнада ёзилган [1:10]. Асарнинг икки нусхаси ЎзР ФА ШИ фондида №№ 3423, 445/1 инвентар рақамлари остида сақланмоқда [3:88,91]. № 3423 инвентар рақамли қўлёзма 660/1262 йили кўчирилган [3:88]. К.Брокельманнинг *Geschichte der Arabischen Litteratur* – “Араб адабиёти тарихи” китобининг № 14 *Geographie und Reisebeschreibungen* бўлимида асарни *at tafhim li' auâ' il sinâ'at at tanjim* номи билан Беруний асарлари қаторида санаб ўтади [4:476].

ФУ – فتاوى العتابة – *Фатово ал-Уттобиййа* (“Уттобий фатволари”). Асар муаллифи: زين الدين ابو نصر احمد بن محمد بن عمر العتابي البخارى – Зайниддин Абу Наср Аҳмад бин Муҳаммад бин Умар ал-Уттобий ал-Бухорий. Уттобийнинг туғилган санаси номаълум бўлиб, у 586/1190 йили Бухорода вафот этган [5:263]. Хожи Халифанинг “Кашф уз-зунун” китобининг “Илм ал-Фатово” бўлимида “ал-Фатово ал-Уттобиййа” асари “Жомиъ ул-фикх” деб номланишини ёзади [6, II:1226]. У “Жомиъ (Жавомиъ) ул-фикх” асарини “ал-Фатово ал-Уттобиййа” номи билан машҳурлигини қайд қилади. Хожи Халифа асар муаллифининг исмини *Абу Наср Аҳмад бин Муҳаммад ал-Уттобий ал-Бухорий ал-Ханафий* тарзида келтирган. Унинг сўзларига кўра, асар тўрт жилддан иборат [6, I:567]. К.Брокельман “Араб адабиёти тарихи” китоби *Al Fiqh* бўлимининг № 21 рўйхат рақамида асар номини *Kitab gâmi al fiqh*, муаллиф номини эса, *Abû Naşr Aḥmad ibn Muḥammad ibn 'Omar al 'Attâbi al Buḥârî* тарзида қайд қилади [4:375].

“Фатово ал-Уттобиййа” асари 734/1334 йил, жумоди аввал ойининг 28 (4 феврал) куни Бухоро (ёки унинг атрофида) котиб *عبدالرحمن بن خواجه حسن ابن خواجه بارسا الخزميتى* – Абдурахмон бин Хожа Хасан бин Хожа Порсо (Борсо) ал-Хурмитоний томонидан кўчирилган. Котибнинг нисбаси Бухоро яқинидаги қишлоқ номидан олинган [5:271]. Асарнинг Ўзбекистонда икки нусхаси мавжуд. Уларнинг бири ЎзР ФА ШИ фондида № 7267 инвентар рақами остида [5:263-271], яна бир нусхаси Тошкент ислом университетининг фондида сақланмоқда.

ЎзР ФА ШИ фондида № 7267 инвентар рақам остида сақланаётган нусханинг 12 бўлимигина сақланиб қолган [5:266]. Асарда хоразмий тилига оид сўз ва иборалар аниқланган бўлиб, улар асарнинг 46 жойида қайд этилган. Хоразмий тилига оид иборалар асарнинг *النكاح* – “Никоҳ” китоби *خيار البلوع* – “Хийор ал-булуъ” бобидан бошланади [5:267]. Хоразмий тилига оид сўзларда (қисқа) унлилар ифодаланмаган. Ҳар бир хоразмийча сўз ёки ибора олдида х белгиси қўйилган бўлиб, бу белги “хоразмийча” – *بالخوارزمية* сўзининг қисқартмаси ҳисобланади [5:270]. Қўлёзма ҳақида Д.Г.Вороновский 1965 йил 22 сентябр куни ЎзР ФА Шарқшунослик институти Илмий кенгашида маълумот берган [5:4].

МФ – *Мунйат ал-Фуқаҳо* (“Фақиҳлар орзуси”). Асар муаллифи: Фахриддин Бадиъ ибн Абу Мансур ал-Арабий ал-Қубазний. Хожи Халифанинг “Кашф уз-зунун” китобида асар муаллифи *Фахриддин Бадиъ бин Абу Мансур ал-Ироқий ал-Ханафий* деб кўрсатилган

[6, II:1886]. К. Брокельман асар номини *Munjet al fuqahâ*, асар муаллифини эса, *Badi' bin abi Mas'ud al 'Arabi* деб келтиради [4:382].

ЯД – *Ятиммат ад-дахр фи фатово аҳл ал-аср* (“Фатволар бўйича ўз даврининг ягонаси”). Асар муаллифи: Аълоуддин Абдурраҳим Муҳаммад ибн Маҳмуд ат-Таржумоний ал-Маккий ал-Хоразмий. Маҳмуд Таржумонийнинг туғилган санаси маълум эмас. У 645/1247 йилда вафот этган [7:254]. Асар фикҳий мазмунда бўлиб, у араб тилида ёзилган. “Кашф уз-зунун” асарида Хожи Халифа асар номини “*Ятиммат ад-дахр фи фатово ал-аср*”, асар муаллифининг номини *Имом ... Таржумоний – Аъловуддин Муҳаммад Ханафий* тарзида келтиради [6, II:2049]. Шунингдек, “Араб адабиёти тарихи” китобида Карл Брокельман асар номини “*Jatimat ad dahr fi fatâwâ ahl al 'asr*”, асар муаллифининг номини *'Alâ' ad din at Tarğumâni* деб қайд қилади [4:381]. Асар таркибидаги хоразмий тилига оид сўз ва иборалар тўғрисидаги маълумот анча вақтгача маълум бўлмай келаётган эди. Илм аҳлига асардаги хоразмий тилига доир сўз ва иборалар ҳақидаги дастлабки маълумот Закий Валидий Тўғоннинг 1927 йили “*Islamica*” журналида эълон қилинган мақоласи орқали маълум бўлди [8:190-213].

Асарнинг бир неча нусхаси жаҳоннинг турли кутубхона ва фондларида сақланади. Жумладан, Туркияда 8 та, Австрияда 1 та нусха сақланади. Россия Шарқшунослик институтида ФВ 89 рақами остида Вена нусхасининг фотокопияси сақланади. Унга кўра, асарнинг номи “*Фатовал-‘Аср*”, асар муаллифининг номи эса, *Мажд ул-аимма ‘Абдураҳим ибн Маҳмуд ат-Таржумоний* ҳисобланади. С.Л. Волин эса, асар номини “*Йатиммат-ад-дахр фи фатово аҳли-л-‘аср*” деб, асар муаллифининг номини эса, *Муҳаммад ибн Маҳмуд ат-Таржумоний ал-Маккий ал-Хоразмий* деб кўрсатади. С.Л. Волиннинг фикрича, Таржумоний 1245 йили вафот этган бўлиб, асар XII асрнинг ўрталаридан (аслида XIII асрнинг) олдин ёзилган [9:80]. Асарнинг бир нусхаси ЎзР ФА ШИДа инв. № 3050 рақами остида сақланади. Мазкур нусха 1226/1811 йили кўчирилган [7:258]. С.Л. Волин маълумотига кўра Тошкентда асарнинг 2 та қўлёзма нусхаси (№№ 254 ва 3058) мавжуд [9:80].

ҚМ – *Қунйат ил-мунйа ли татмим ал-ғунйа* (“Фаровонликка етиш учун орзу қилинган нарсага эришиш”). Асар муаллифи: Нажмиддин Абу Риждоъ Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидий ал-Ғазминий. Муаллифнинг туғилган йили маълум эмас. Зоҳидий 658/1260 йили вафот этган. Хожи Халифанинг “Кашф уз-зунун” китобида асар ва унинг муаллифи ҳақида маълумот берилган. Унда муаллифнинг номи *Имом ал-шайх Нажмиддин Абу Риждоъ Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидий ал-Ханафий* деб кўрсатилган [6, II:1357]. Асар К.Брокельманнинг “Араб адабиёти тарихи” китобининг *Al Fiqh* бўлими № 44 рўйхат рақамида *Kitab qunjet al tunja litatmim al ġunja* асарининг муаллифи *Nağmaddin Abû 'r Rağâ' Muhtâr bin Maḥmûd bin Muḥammad az Zâhidi al Ġizmini al 'Arramâni* тарзида қайд қилинган [4:382].

ЎзР ФА ШИ фондида асарнинг 14 та нусхаси қуйидаги инвентар рақамлар остида сақланади: №№ 5942/І, 3181, 4839, 3247, 3725, 3246/І, 4723, 3170, 2491, 4793, 8347, 7514/ІІ, 8113, 8542 [7:261-271]. Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти архивида С.Л. Волиннинг 393 варақдан иборат “Ленинград ва Тошкент қўлёзмалари бўйича хоразмий тилига оид материаллар” номли тадқиқот иши сақланмоқда. Олим ўз тадқиқотида “Қунйат ил-мунйа” асарининг 10 та қўлёзмасидан, шу жумладан асарнинг Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институтида сақланаётган С-2311, С-223, С-224 нусхалари, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган 4 та нусхаси ва Татаристон илмий кутубхонасида сақланаётган нусхаларидан фойдаланган [10:113].

1990 йилда Дэвид Нейл Маккензи Ҳасан Амарат билан ҳамкорликда “Қунйат ал-мунйа” асарининг таржимасини амалга оширган [11].

МА – مقدمة الادب – *Муқаддимат ул-адаб* (“Адабиётга кириш”). Асар муаллифи *ابوالقاسم محمود بن عمر الزمخشري* – Абулқосим Маҳмуд бин Умар аз-Замахшарий ҳисобланади. Маҳмуд Замахшарий ҳижрий 467 (милодий 1075) йили туғилиб, ҳижрий 538 (милодий 1144) йили вафот этган. “Муқаддимат ул-адаб” асари 5 тиллик (арабий, форсий, туркий, хоразмий ва

мўғулча) луғат ҳисобланади. Асарнинг хоразмийча варианты Аҳмад Валидий томонидан нашр қилинган [12].

Т – ترجمة الالفاظ التي وردت بالخوارزميه فى اثنا الكتاب الموسوم بقنية المنية – *Тарҷамат ал-алфоз аллати варадат бил-хоразмиййа фи асноъ ул-китоб ал-мавсум би “Қунйат ал-муниййа”* (“Тилакка эришиш” китобига кирган хоразмийча сўзларнинг таржимаси). Асар муаллифи: – Жалолоддин Имодий. Имодийнинг туғилган ва вафот этган санаси маълум эмас. У 733/1333 йили тирик бўлган [5:267].

Асарнинг Россия ФА Шарқшунослик институти фондида № С-2311 инвентар рақам остида сақланаётган нусхаси тадқиқ қилинган [13].

Асарнинг бир нусхаси ЎзР ФА ШИ фондида № 3246/II инвентар рақами остида сақланмоқда [14:197-198]. Жалолоддин Имодий асарни устози *رضى الدين القصارى* – Разиуддин ал-Қисорийнинг таклифига кўра тузган. Асарда диакритик нукталар ва унлилар ифодаланмаган. Асарни кўчирган котибнинг дастхати № 3246/I (“Қунйат ал-мунйа”) кўлёмасини кўчирган котиб *ابراهيم بن سليمان القلاصانى* – Иброҳим бин Сулаймон ал-Қаласонийнинг дастхати билан бир хил. Асар 783/1382 йили кўчирилган. Асар 27 варақдан (297^б-310^б) иборат. Асардаги айрим варақларнинг ўрни алмашган бўлиб, 310^{а-б} варақлар жойлашган лист 303^б варақдан сўнг келиши керак [14:198].

Р – *Рисолат ал-алфоз ал-хоразмиййа аллати фи “Қунйат ал-мабсут”* (“Қунйат ал Мабсут” асарида келган хоразмийча сўзлар ҳақида рисола”). Асар муаллифи: Жалолоддин Имодий.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар.

1. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. I том. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1968.
2. Chronologic Orientalischer volker von Albiruni herausgegeben von Dr. Edward Sachau, Leipzig, 1878.
3. Собрание восточных рукописей Академии наук УзССР. Т. VI. Ташкент: изд. АН УзССР. 1963.
4. Brockelmann Carl. Geschichte der Arabischen Litteratur von Carl Brockelmann. Band I. Weimar, Verlag von Emil Felber. 1898. 528 s.
5. Собрание восточных рукописей Академии наук УзССР. Т. VIII. Ташкент: изд. АН УзССР. 1967.
6. X.-X., II, *مصطفى بن محمد حاجى خليفة . كشف الظنون عن اسامى الكتب والفنون . المجلدات الاول و الثانى دار إحياء التراث العربي بيروت لبنان* (Мустафо бин Муҳаммад Хожи Халифа. Кашф уз-зунун аън асоми ал-кутуб вал-фунун. Ал-Мужаллидот ал-аввал вал-соний. Дор ихйё ал-тарос ал-арабий. Байрут – Либнон. 1941).
7. Собрание восточных рукописей Академии наук УзССР. Т. IV. Ташкент: изд. АН УзССР. 1957.
8. Togan Z.V. Hwarezmische Sätze in einem arabischen Fiqh-Werke. “Islamica”, № 3. Lipsiae, 1927. Seite 190-213.
9. Волин С.Л. Новый источник для изучения хорезмийского языка // Записки института востоковедения Академии наук. Т. VII. 1939. С. 79-91.
10. Лившиц В.А. Памятники хорезмийской письменности // Вестник древней истории. 2009. № 3. С. 108-113.
11. MacKenzie D.N. The Khwarezmian element in the Qunyat al-munya. Arabic text translated by Hasan Amarat and D.N.MacKenzie. London. 1990.
12. Togan, Ahmet Zeki Validi. Horezm kültürü vesikalari Part I: Horezmce Tercümelî Muqaddimat al-adab (Istanbul Universitesi Edebiyat Fakultesi Yayınlarından 498). İstanbul. 1951.
13. Фрейман А.А. Хорезмийский язык. Материалы и исследования. ч. I. М.-Л. 1951.
14. Собрание восточных рукописей Академии наук УзССР. Т. I. Ташкент: изд. АН УзССР. 1952.

Avazbayeva U.U., Abdullayeva Sh.O. (Urganch davlat universiteti akademik litseyi),
Matniyozov A.R. (Xorazm Ma'mun akademiyasi)
FYODOR DOSTOYEVSKIY IJODIDA BOSH QAHRAMON TASVIRI

Annotatsiya. *Ushbu maqolada buyuk rus yozuvchisi Fyodor Dostoevskiy ijodida bosh qahramon tasviri tahlil qilingan.*

Kalit so'zlar: *tasvir, kompozitsiya, syujet, motiv.*

Аннотация. *В данной статье анализируется мастерство изображения главного героя на творчестве великого русского писателя Федора Достоевского.*

Ключевые слова: *изображения, композиция, сюжет, мотив.*

Abstract. *A great Russian writer Fyodor Dostoevsky's skills of an artistic description of the leading character in a novel is analysed in the article.*

Key words: *artwork, composition, subject, motif.*

Badiiy tasvir nasrda muhim ahamiyatga ega. Tasvir – asar kompozitsiyasining asosini tashkil qilib, syujet, motiv va bosh qahramon uchligini o'zaro uyg'unlashtiruvchi muhim badiiy vosita hisoblanadi. Asarning mukammalligi va muvaffaqiyatli chiqishi ham ko'p jihatdan tasvirga bog'liq bo'ladi. Tasvirdagi ichki parallelizm, aynan asar mantiqiyiligini ta'minlaydi. Yozuvchi, syujet, motiv va bosh qahramon tasvirini bir nuqtada jamlay olsagina yaxshi asar yaratishi mumkin. Jahon adabiyoti miqyosida bunday mahoratga, barmoq bilan sanarli yozuvchilar ega bo'lishgan. Shunday buyuk yozuvchilardan biri Fyodor Mixaylovich Dostoyevskiy (1821-1881) hisoblanadi.

Ko'pchilik yozuvchilar adabiy detal va komponentlarni syujet-motiv birligi oraliq'iga joylashtirib, shu yo'l bilan asar g'oyasini ko'rsatishga va bosh qahramon xarakterini ochib berishga harakat qiladilar. Dostoyevskiyda esa, buning aksini ko'ramiz. Uning romanlaridagi bosh qahramonlar, asardagi bor yukni – g'oya, mazmun, mantiq hattoki, har qanday tasvirni ham ko'tarishga qodir. Bosh qahramon oldindan ishlangan syujet-motiv birligiga kirib bormaydi, balki, uning o'zi o'sha syujet-motiv uyg'unligini tabiiy ravishda yaratadi. Bu holat, yozuvchi bilan bosh qahramon o'rtasidagi masofani yo'qqa chiqaradi. Badiiy komponentlarni ishlash, ortiqcha detal tanlash kabi ijod jarayoni Dostoyevskiydan mashaqqatli yohud, uzoq bir mehnatni talab qilmagan. Masalan, 1866 yili noshir Stellovskiy bilan tuzilgan shartnomaga ko'ra, Dostoyevskiy bir oy muddat ichida unga yangi bir roman yozib berishi lozim bo'lgan. Vaziyat ancha qaltis, yangi roman ustida ish hali umuman boshlanmagan edi. Romanning hajmi o'n ikki bosma taboqdan (bizning hisobga ko'ra mashinkada bosilgan 300 sahifa) iborat bo'lishi shart edi. Tushkunlikka tushgan Dostoyevskiy, stenografistka yollab, romanni og'zaki tarzda aytib yozdira boshladi. Shunday qilib Dostoyevskiy, yigirma olti kun ichida o'zining "Qimorboz" romanini yozib nashriyotga topshiradi [1:650].

Dostoyevskiy mahoratining siri nimada? Bu savolga javob berish oson emas albatta. "Telba", "Jinoyat va jazo", "Qimorboz" romanlarining bosh qahramonlari Dostoyevskiyning aynan prototipi ekanligi barchaga ma'lum [2:254]. Knyaz Mishkin va Raskolnikovlarning ichki dunyosi, ruhiy holatini o'quvchiga anglatish uchun kuchli psixolog, asarni badiiy tasvirlash uchun esa kuchli yozuvchi bo'lish talab qilinardi. Dostoyevskiy bu ikkala vazifani to'laqonli bajara olgan. Dostoyevskiyning keskin burilishli syujetlarini, inson qalbining nozik nuqtalarda aks ettira olishlarini, uning o'rnida boshqa buyuk yozuvchi bo'lganda ham uddalar edi. Lekin hech qaysi bir yozuvchi Knyaz Mishkin va Raskolnikov obrazlarini Dostoevskichalik tasvirlay olmas edi. Ba'zi yozuvchilar bosh qahramonni o'quvchiga tanitish, uning xarakterini ochib berish uchun syujet, motiv (voqea, hodisa, kompozitsiya va b.) kabi struktural komponentlar ustida anchagina bosh qotiradilar. Yoki oddiygina qilib bosh qahramonni tasvirlaydilar. Dostoyevskiy o'zining bosh qahramonlariga boshqacha yondashadi. U bosh qahramonga "ishlov" berish u yoqda tursin, hatto uni o'quvchiga tuzukroq tasvirlamaydi ham. "Telba" romanidagi Knyaz Mishkin juda nozik his-tuyg'u va go'zal qalb egasi ekanligi ma'lum. U shunchalik ochiqko'ngilki, hatto ba'zi birovlar bu

obrazni yozuvchi fantaziyasi mahsuli deb o'ylaydilar. Ammo, romanning hech qaysi bir o'rnida Knyaz Mishkinning ichki dunyosi bevosita tasvirlanmaydi. Dostoyevskiy bosh qahramonni ortiqcha tasvirlashga urinmaydi. Knyaz Mishkin, o'z muloqoti, munosabati, harakati va nutqi bilan (ayrim hollarda ruhiy holati bilan) faqat Dostoyevskiyga xos uslubda tasvirlanadi. Shu tahlildagi tasvir Knyaz Mishkin obrazining "g'ayritabiiy"ligini ta'minlab, asarni shuhrat topishiga sabab bo'lgan:

-“Mendan hech kim xafa emasmi ishqilib? Agar unday bo'lsa, mening qanchalar bahtiyor ekanligimni bilsaydingiz; lekin o'zi shunday bo'lishi kerak! Men axir bu yerda birovni xafa qilishim mumkinmi? Agar shunday deb o'ylaydigan bo'lsam, shuning o'zi bilan ham sizni xafa qilib qo'ygan bo'laman”.

Yuqoridagi keltirilgan matn Knyaz Mishkinga tegishli ekanligi darrov anglashiladi. Nahotki, Dostoyevskiy inson qalbining nozik qirralarini aks ettirishda illyustratsiya(tahayyul)ga erk bergan bo'lsa?! Yo'q, fikrimizcha, uning o'zi romantik bo'lgani bilan, ijodda to'la-to'kis realist yozuvchi edi. Knyaz Mishkin real tasvirlangani uchun ham kitobxonlar qalbidan munosib o'rin egalladi va keskin bahs-munozaralarga sabab bo'ldi. “Telba” romanidagi Knyaz Mishkin obrazi soflik va halollik timsoli bo'lib qoldi. Roman yillar davomida unitilib ketmadi. Aksincha, Dostoyevskiyning bosh qahramon tasvirini berishdagi mahorati undan keyin yashagan yozuvchilar ijodida unumli foydalanildi. Chunonchi, M.Bulgakov, A.Kamyu, G.Markes va Ch.Aytmatov singari yozuvchilar aynan bosh qahramon tasviri orqali bebaho asarlar yaratdilar.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Dostoyevskiy F.M. Telba. /I.G'afurov tarjimas/ Toshkent. 1981.
2. Долинина Н. Предисловие к Достоевскому. Л., 1980.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**Атамуротов О.Э., Акимов Э. (Ургенчский государственный университет)
НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ПРОЕКТИРОВАНИЯ И СТРОИТЕЛЬСТВА
ОБРАЗЦОВЫХ ЖИЛЫХ ДОМОВ**

Аннотация. *На этой статье приведены некоторые соображения проектирования и строительства образцовых жилых домов.*

Ключевые слова: *проект, проектирование, образцовый жилой дом.*

Аннотация. *Ушбу мақолада намунавий турар жойларнинг лойиҳаси ва қурилишига оид айрим фикрлар билдирилган.*

Калит сўзлар: *лойиҳа, лойиҳалаш, намунавий турар жой.*

Abstract. *Some ideas about the project and construction of model residential houses are given in the article.*

Key words: *a project, projection, a model residential house.*

В Республике Узбекистан ежегодно расширяется сфера индивидуального строительства, увеличивается число счастливых семей получивших новые образцовые жилые дома повышенного класса комфортности. В связи с этим возникает необходимость возведения жилых домов со всеми удобствами при её эксплуатации, а также возрастает требование к качеству конструкций. При возведении домов, монтаже конструкций и деталей со стороны генподрядных строительных организаций возникают вопросы, иногда предложения к внесению изменений к некоторым конструкциям и деталям строящихся проектов жилых домов в Хорезмской области. А также студентами строительных направлений Ургенчского Государственного Университета на кафедре «Строительства и архитектуры» на занятиях были рассмотрены учебные рабочие чертежи строящихся проектов. Студентами были высказаны некоторые соображения, которые могут быть учтены при проектировании и дальнейшем изменении и улучшении качества жилых домов. Так например в серии оптимизированных типовых проектов одноэтажных 3, 4 и 5-комнатных жилых домов повышенного класса комфортности для сельского строительства с площадью застройки 600 квадратных метров (Типовой проект 184-33с-10/14(А) в листах АС14а и АС14б показаны рабочие чертежи подпольного хозяйства. В рабочих чертежах имеются неучтённые детали при эксплуатации жилого дома. Так, учитывая возможные перебои и неисправности при эксплуатации водопроводной и канализационных систем в зимнее время, а также ремонт и замену деталей или труб возникает необходимость неразрушающим методом открывать подпольные каналы при их ремонте. В данном проекте в рабочих чертежах такие детали не учтены. Таким образом предлагается в фойе у входной двери на площади 1,2 квадратных метра на полу вмонтировать детали для открывания крышки подпольного канала. А в ванной комнате и в туалете над подпольным каналом в местах соединения трубопроводов монтировать чугунные или пластмассовые люки диаметром до 700 мм для проведения ремонтных работ в случае их повреждения или при аварийных ситуациях в период эксплуатации. Кроме этого предусмотренное в проекте технология при установке подпольных каналов даёт возможность заменить монолитный способ укладки бетона на сборный вариант этой конструкции. При применении сборных железобетонных подпольных каналов уменьшается объём конструкции, трудозатраты, экономится время установки. В заводских условиях монтируются крепительные элементы трубопроводов водоканализационной системы, а также заранее качественно выполняется наружная и внутренняя гидроизоляция стенок канала.

В образцовых типовых проектах жилых домов для строительства в сельской местности запроектированы дополнительные детали для сохранения устойчивого состояния перегородок от горизонтальных нагрузок. К таким деталям относится монтаж

металлической стойки СТ1 (Типовой проект 184-33с-10/14 (А) АС16 и АС20-листы) в перегородке между столовой комнатой и фойе. Со стороны строителей часто возникает вопрос о неполном решении технологии в узле соединения арматуры железобетонной перемычки со швеллером и монтажу перемычки со стойкой. Кроме того, это трудоёмкий процесс, монтаж и соединение элементов этих конструкций занимает много времени. На рисунке 2 показана существующая конструкция стойки Ст1. Для решения этой части конструкции есть варианты замены металлической стойки Ст1 на монолитную железобетонную стойку в виде железобетонного сердечника размерами в сечении 250x130мм, расположенного в перегородке у входа в кухонное помещение. Сердечник армируется арматурами 2Ø12 АШ и обвязывается хамутами 6мм с шагом 200мм. Деталь Ст1 служит конструкцией против горизонтальных и сейсмических нагрузок действующих на перегородку вышеуказанного участка [4]. Крепление стойки к перекрытию (круглопустотной железобетонной плите) приняты в виде шарнира при помощи




Рис. 1.

Рис. 2

металлической детали ММ1. Стойка устанавливается к фундаменту и замоноличивается вместе с армовыпуском [9].

На основании требований раздела 6 «Применение типовой проектной документации» КМК 1.03.04-97 «Инструкции по типовому проектированию» допускается деление проекта на неизменяемую и изменяемую части. В связи с этим есть возможность внесения изменения в изменяемую часть проекта жилого дома. Так например в некоторых домах построенных 5-6 лет назад были выявлены места образования трещин в стенах перегородок кухни, ванной комнаты и в спальнях помещениях. При техническом обследовании таких жилых домов были высказаны мнения, что эти трещины появляются в результате осадочных деформаций грунта под фундаментами по истечении определённого времени. Для решения этой проблемы имеются варианты внесения некоторых изменений к конфигурации фундаментов перегородок. Первый способ устранения осадочных деформаций фундамента – это увеличение высоты фундамента перегородок и доведения её до уровня отметки фундамента несущих стен, то есть до отметки -1.40; а второе предложение решения – это установка дополнительно железобетонной подушки, размеры которого шириной 400мм и высотой 300мм и ленточные фундаменты шириной 200мм и высотой 600мм под перегородочные стены.

Все эти изменения деталей и конструкций строительства играют определённую роль при возведении здания не нарушая последовательность технологических процессов и календарных графиков строительства а также при эксплуатации имеют определённые удобства для их жителей. Кроме всего прочего при проектировании с внесением некоторых изменений, которые раскрыты в этой статье могут влиять на снижение себестоимости и улучшения качества жилого дома.

Использованная литература.

1. Аскарров В.А., Низамов Ш.Р. Железобетонные и каменные конструкции. Ташкент. Финансы-экономика. 2008.
2. Сайдуллаев К.А., Ганиева К.К. Стальные строения. Ташкент. 2002.
3. Байков Б.И., Сигалов Э.Е. Железобетонные конструкции. Общий курс. Москва. Стройиздат. 1991.
4. КМК 2.01.03-96 Строительство в сейсмических районах. Ташкент. 1996.
5. КМК 3.03.01-98 Несущие и ограждающие конструкции. Ташкент. 1998.
6. КМК 3.05.04-97 Наружные сети и сооружения водоснабжения и канализации. Ташкент. 1997.
7. КМК 3.05.01-97 Внутренние санитарно-технические системы. Ташкент. 1998.
8. ШНК 3.01.01-03 Организация строительного производства. Ташкент. 2004.
9. Типовой проект 184-33с-10/14 (А).

УДК: 725.945: 72.025.5

Дурдиева Г.С., Мадаминов Р.Р. (Хорезмская академия Маъмуна)
**АРХИТЕКТУРНОЕ СТРОЕНИЕ МИНАРЕТА ИСЛАМ ХОДЖИ И
 МОДЕЛИРОВАНИЕ ПАМЯТНИКА С ПОМОЩЬЮ ИНФОРМАЦИОННЫХ
 ТЕХНОЛОГИЙ**

Аннотация. Для выявления технического состояния конструкций мдресе и минарета Ислам Ходжа, расположенного в Ичан-кале г. Хивы, производилось инженерное обследование его несущих конструкций. В настоящей статье затрагивается вопрос сейсмостойкости минарета Ислам Ходжа. А также, проанализированы засоленность, влажность и щелочная среда (рН) грунтовых почв у основы минарета.

Ключевые слова: минарет Ислам Ходжа, музей-заповедник «Ичан-кала», сейсмостойкость, показатели рН, влажность и засаленность почвы.

Аннотация. Обидаларнинг ҳозирги техник ҳолатини ўрганиш мақсадада Хива шаҳар Ичон-қалъа музейи ҳудудида жойлашган Исломхўжа минораси ва мадрасаси инженерлик нуқтаи-назардан кўриқдан ўтказилди. Ушбу мақолада Исломхўжа минорасининг зилзилабардошлилиги тадқиқ қилинган. Шунингдек, минора асоси тупроқ қатламининг ишқорийлик муҳити (рН), намлик ва иўрланиш кўрсаткичлари бўйича ҳам таҳлиллар келтирилган.

Калит сўзлар: Исломхўжа минораси, “Ичон қалъа” музей кўриқхонаси, зилзилабардошлилик, тупроқ ишқорийлик муҳити (рН), намлик ва иўрланиш кўрсаткичлари.

Abstract. To identify the technical state of constructions of the madrassah and minaret Islam Khodja, located in “Ichan kala” of Khiva, engineering survey was carried out on its load-bearing structures. This article touches upon the issue of seismic stability of Islam Khoja minaret. As well as, soil salinity, moisture and рН level of the base of the minaret were analyzed.

Key words: the Islam Khodja minaret, culture preserve “Ichon Kala”, seismic resistance, soil рН, wet and salinity indicators.

Искусство восстановления памятников в Хорезме развивалась в течение веков. Известно, что Хива – город минаретов. Ведь из построенных в Хиве сотен минаретов в Ичан-кале и Дешан-кале до нас в целостности дошли все 16 минаретов. Но достоверных сведений касательно точной высоты этих минаретов очень мало. И те, которые имеются, в разных источниках указаны по-разному. Например, отсутствует информация о точной высоте самого высокого минарета в Центральной Азии – минарета Ислам Ходжи. В книге

Л.Ю.Манковской, В.А.Булатовой «Памятники зодчества Хорезма» высота этого минарета указана 44,5 метров, в книге А.Абдурасулова «Хива» - 44 метра, в книге Ш.Бекчанова «Путешествие в Хиву» - 55 метров. В других нескольких источниках мы не увидели работы по измерению на основе точных данных. Учитывая это, мы провели исследовательские работы по измерению высоты минарета Ислон Ходжи с помощью современного оборудования.

Для этого были использованы все средства (рулетка, линейка, дощечки и т.д.) и Теодолит 2Т2, лазерный измеритель расстояния DLE 50 BOSCH. Работа по измерению высоты минарета Ислон Ходжи проводилась геодезическим методом в нескольких этапах. В первую очередь, было выбрано место для установки репера на определенную точку.

-Возле южной стены минарета Ислон Ходжи установлен репер в форме, отвечающим требованиям;

-на точку репера установлено оборудование - теодолит, определено горизонтальное равнение и установлена точка пересечения с минаретом;

-проведено измерение углов высотных элементов по 4-м точкам минарета (рисунок 1).





Рисунок 1. Способы геодезического измерения

Согласно результатам исследований мы установили, что общая высота минарета Ислон Ходжи от уровня земли составляет 50,5 метров. С учетом погрешностей при пользовании приборами и относительных неточностей на измерительных точках, эта цифра может колебаться на ± 5 см.

После проведенного нами измерения геодезическим способом точной высоты минарета нашей следующей задачей являлось изучение подземной части минарета, что считалось очень ответственным исследованием, так как с момента строительства минарета по сегодняшний день не велось никаких исследований относительно подземной части минарета, т.е. его почвы и фундамента. Мы не нашли никаких сведений по данному вопросу.

Действительно, минареты Хивы изучались В.Л.Ворониной, В.А.Булатовой, И.И.Ноткиным в составе общих архитектурных памятников. Эти исследования трудно назвать достаточными с точки зрения вопросов по его конструктивному строению, сейсмостойкости [1]. Самое главное, не изучена подземная часть минаретов – их почва и фундамент.

Конечно, существуют разные гипотезы касательно строительства фундамента минарета, а если быть точнее, есть такие неточные версии как «фундамент этого минарета может быть сооружен в земле в конусообразной форме», «в фундамент минарета прибиты вертикальные свайные клыки из «янтака», а на них установлен фундамент»

Хождение таких версий среди народа, в свою очередь, повысило наш интерес к изучению фундамента минарета. В связи с этим, учитывая тот факт, что изучение фундамента и технического состояния самого высокого минарета Центральной Азии – минарета Ислом Ходжи является неотложной задачей, 10 апреля 2010 года в западной стороне минарета был заложен шурф и получен ряд новых сведений.



Рисунок 2. Процесс изучения фундамента минарета Ислам Ходжи

Исследуя неизученный по настоящее время техническое состояние фундамента минарета, мы, научные работники, будто еще раз обнаружили для себя способы строительства этого привлекательного и величавого минарета. Из-за того, что корпус минарета сужается кверху, он кажется очень высоким. С увеличением его высоты умелые мастера уменьшали его диаметр. В минарет можно поднимается на 120 ступеньках высотой 38-49 см. каждая. На самом веру минарета поставлен медный купол размером два с половиной метра, а на нем установлен серп луны, который вращается в зависимости от направления ветра.




Рисунок 3. Вид в разрезе минарета и фундамента Ислам Ходжи, совмещенный с планом ИТЭ

В 1997 году этот купол, состоящий из 10 частей, был спущен на землю, покрашен золотой краской и отремонтирован в тех местах, где был пробит пулей. Всестороннее изучение редкого наследия древних мастеров, методов сейсмостойкости, которые применялись в строительстве и архитектуре, является требованием времени. В процессе закладки шурфа полностью был изучен фундамент минарета.

Так как фундамент этого минарета очень сложный и прочный. Самое удивительное то, что с момента постройки минарета по настоящее время (в течение 110 лет) он абсолютно не получил повреждений от внешних факторов. Это фундамент построен из жженого (квадратного) кирпича и состоит в 4-х уровней. Он поставлен на специальной платформе в форме «ленты», кирпичи уложены на ганчевой и цементной смеси. В ходе исследований мы также обнаружили, что форма платформы построена симметрично в 2-х видах, т.е. ее северная и южная стороны выглядят в виде «треугольной ленты», а восточная и западная стороны выполнены в форме «четырёхугольной ленты». С помощью этой оригинальной методики мастера-архитекторы строили фундамент минарета сверхпрочным и сейсмостойким [2].




Рисунок 4. Точки и слои отбора образцов почвы

Почва минарета Ислон Ходжи после выравнивания (диаметр круга – 18 метров) была замазана специальной глиняной штукатуркой. Это, во-первых, обеспечивало защиту фундамента от агрессивного воздействия подземных вод, а во-вторых, благодаря высокопластичным свойствам этого глиняного слоя было достигнуто снижение сейсмического воздействия. Анализируя конструктивное решение минарета, можно увидеть, что на высоте 1,0 метра от уровня земли заложен гидроизоляционный и сейсмоизоляционный слой из мраморных блоков толщиной 18-19 см. Данное разумное

решение, т.е. мраморные блоки, использованные при реконструкции минарета, выполняли роль сейсмического изоляционного скользящего слоя во время землетрясений. Проведен отбор (рисунок 4) образца почвы в 3-х слоях из 2-х точек (в глубинах 0-0,5, 1-1,5 и 2-2,5 м). Результаты анализов почвы показывают, что самый низкий показатель по влажности наблюдается на глубине 0,5 метров 1-й точки (8,94 %, 9,36 %).

Таблица 1.

Анализ основной почвы основания минарета Ислам Ходжи.

№	слои отбора образцов почвы (глубина, см)	Влажность, %	pH	ЕС, mS/cm
1	1a (0-50)	8,94	8,16	10,61
2	1a (0-50)	9,36	8,22	9,60
3	1б (100-150)	10,41	8,09	8,84
4	1б (100-150)	10,86	8,11	8,84
5	1в (200-250)	10,21	8,14	9,95
6	1в (200-250)	10,78	8,16	8,77
7	2a (0-50)	10,59	8,28	9,17
8	2a (0-50)	10,59	8,26	7,86
9	2б (100-150)	11,21	8,23	8,76
10	2б (100-150)	10,16	8,28	7,87
11	2в (200-250)	11,20	8,20	9,71
12	2в (200-250)	10,42	8,25	9,67

Самый высокий уровень влажности наблюдается на глубине 1-1,5 – 2-2,5 м 2-й точки (11,21 %, 11,20 %) (диаграмма 1). Для определения уровня засоленности слоев почвы был использован метод использования измерения сравнительной электропроводности суспензии воды и почвы и оценен на основании «Классификации засоленности почвы по ФАО» [3].

Диаграмма-1.





Диаграмма-2.

Уровень засаленности почвы у основы минарета Ислам Ходжа, (E_{ce}, mS/cm)



Согласно результатам анализа было установлено, что почва на глубине 0-0,5 и 1-1,5 м. 2-й точки имеет среднюю засаленность, а почва другого слоя имеет сильную засаленность. Самая сильна засаленность наблюдалась в первом слое 1-й точки (диаграмма 2). Продолжаются изучения в современных лабораториях ряда свойств увлажнения, засаления почвы, полученной под минаретом. Полученные результаты как новшество играют важную роль в строительстве и архитектуре. Все чертежи минарета во всех необходимых разрезах выполняются и вносятся в обращение при подготовке проектов при помощи ИКТ (рисунок 3).

В заключение можно сказать, что минарет Ислам Ходжи, который устремлен ввысь в древней Хиве, названной «Городом-музеем под открытым небом», по своему значению и форме является объектом высокого архитектурного и строительного искусства и придает своеобразную красоту городу. Вот уже на протяжении многих веков он выдерживает различные негативные природные воздействия.

Список литературы.

1. Асанов А.А. Памятники архитектуры средневекового Хорезма. Ташкент: «Фан». 1997. С. 103.
2. Холмурадов Р.И., Кириков Б.А. Сейсмостойкость архитектурных памятников Средней Азии и Кавказа. Самарканд. 1994. С.84.
3. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашда электрокондуктометрик усулдан фойдаланиш бўйича қўлланма. САНИИРИ институти. Тошкент. 2007.

Жуманиязов М.Ж., Курамбаев Ш.Р., Кураязов З.Р., Аташев Э.А. (УрДУ)

ГОССИПОЛ СМОЛАСИ АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШ КОРРОЗИЯГА ҚАРШИ ВОСИТАЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Аннотация. Госсипол смоласи асосида рақобатбардош коррозияга қарши воситалар яратилди ва кенг ишлаб чиқаришига йўналтирилди. Янги яратилган маҳсулотни ишлаб чиқариши бўйича техник шароит, ишлаб чиқаришининг технологик схемаси ва технологик режим нормалари, материал баланси ва охирги маҳсулот чиқиши калькуляцияси тайёрланди.

Калит сўзлар: саноат чиқиндиси, қайта ишлаш, хом ашё.

Аннотация. Разработан новый конкурентоспособный материал на основе госсиполовой смолы и организовано широкомасштабное производство. На новые виды продукции разработаны технические условия, технологические схемы производства, нормы

технологического режима, материальные балансы и составлена калькуляция себестоимости конечных целевых продуктов.

Ключевые слова: промышленный отход, обработка, сирья.

Abstract. A new competitive material based on gossipol resin was worked out and large-scale production was organized. On new kinds of products technical conditions, technological schemes of production, norms of technological conditions, material balances were developed and the calculation of the costs of the final target products were drawn up.

Key words: industrial waste, reprocessing, raw material.

Замонавий илмий техник ривожланиш табиий ресурслардан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга табиий ресурслардан мукамал бўлмаган технологияларни қўллаб фойдаланиш ҳар хил миқдордаги саноат чиқиндилари ҳосил бўлишига олиб келади. Ёғ-мой саноати кўп миқдорда чиқиндилар ҳосил бўладиган корхоналар қаторига киради. Ўзбекистон аграр республикалар қаторига кириб кўп миқдорда ўсимлик хом ашёлари қайта ишланади. Ўсимлик мойлари ва ёғ кислоталарини ишлаб чиқаришда кўп миқдорда чиқинди ва иккиламчи маҳсулотлар сифатида госсипол смоласи ва соапсток ҳосил бўлади. Хом ёғ кислоталарини парчалаш орқали дистилляция қилиниб соапсток тиниқлаштирилади.

Соапстокни қайта ишлаш иншоотлари қўшимча дистилляцион ҳайдаш ускуналар мавжудлигига қарамасдан кўриляётган чоралар ҳосил бўляётган соапстокни ярминигина қайта ишлаш имкониятини бермоқда.

Бундан ташқари Республикамизда ҳар йили 20000 тоннадан ортиқ госсипол смоласи ҳосил бўлмоқда. Бугунги кунда госсипол смоласини ишлатилиш кўлами унча катта эмас. Юқоридаги айтилган фикрлардан саноат чиқиндиларни утилизацияси ва комплекс қайта ишлаш масалалари жуда долзарбдир. Ушбу долзарблиқдан келиб чиқиб саноат чиқиндиларини утилизацияси ва комплекс қайта ишлашнинг янги технологияларини жалб қилиниши орқали ўз навбатида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодий самарадорликка эришиш ҳамда экологик вазиятнинг яхшиланишига эришиш мумкин бўлади.

Лекин бу каби лойиҳаларни амалиётга ошириш жуда қийин масала ҳисобланади. Корхоналар структурал тузилишидан келиб чиқиб қаралса чиқиндиларни утилизация қилишнинг энг оптимал принципларидан бири бир корхона чиқиндисини иккинчи бир корхона учун хом ашё бўлишидадир.

Ҳозирги кунда антикоррозион ва техник ювиш воситаларига бўлган эҳтиёж асосан хориждан импорт қилиш эвазига қопланмоқда.

Саноат чиқиндиларини чуқур кимёвий қайта ишлаш орқали бугунги кун учун зарур бўлган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олиш бунинг эвазига республикамизнинг хом ашё базаси ва валюта захираларини тежаш имкониятларини яратиш бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бугунги кунда қўлланиляётган антикоррозион воситалар, занг модификаторлари ва коррозия ингибиторлари қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бермайди чунки: ташкил қилувчи компонентлари кўп, таннархи қиммат, талаб даражасида етарли миқдорда ишлаб чиқарилмайди.

Антикоррозион материалларни етарли миқдорда ишлаб чиқарилмаслиги хом ашё базасининг йўқлиги ва қимматбаҳо воситалар қўлланилиши билан изоҳланади.

Юқоридаги долзарблиқдан келиб чиқиб илмий ишимизнинг мақсади қилиб ёғ-мой корхоналари чиқиндилари асосида антикоррозион воситалар олишнинг физик кимёвий ва технологик асосларини яратиш қилиб олдик.

Янги олинган илмий ва амалий тадқиқотлар натижалари госсипол смоласи асосида антикоррозион воситалар олиш имкониятини берди ва у ЎЗР патенти билан ҳимояланди. Термик қайта ишланган госсипол смоласи асосида антикоррозион восита ва занг модификаторлари олинди.

Ўтказилган қатор тажрибалар натижасида қуйидагилар аниқланди:

- госсипол смоласини 220-240 °С да термик активлаш натижасида таркибидаги ароматик ҳалқа, карбонил, карбоксил ва фенол гуруҳларининг реакцион қобилияти юқори бўлди.

- термик қайта ишланган госсипол смоласи. соапсток ва фосфат кислотаси ўзаро таъсирида барқарор бўлган модифицирланган ингибиторлик ва антикоррозион қобилияти юқори бўлган композиция олинди. Унинг юқори реакцион қобилияти ИК – спектроскопик анализ усули билан тасдиқланди;

- термик қайта ишланган(220-240⁰С гача) госсипол смоласининг триэтанолламин билан муҳит кўрсаткичи рН = 7,5- 8,0 бўлгунча аралаштирилганда сувда эрувчан тез қотадиган қоплама олинди;

- Сувда эрувчан госсипол смоласи таркибига сажа ва олтингугурт киритилиши эвазига мураккаб композиция ҳосил бўлиб унинг ҳимоялаш механизми занг модификаторларига хос бўлган тўсиқ механизми билан бирга ташкил қилувчиларнинг концентрацияси ошиши эвазига химиявий боғланиш юзага келади ва қийин эрийдиган бирикмалар ҳосил қилиб металл юзасига ёпишиши эгри чизиклар методи орқали исботланди.

Физик-механик изланишлар орқали таклиф қилинаётган антикоррозион воситаларнинг тез қотиши, зарбга чидамлилиги, эгилишга мустаҳкамлиги ва адгезион қобилияти билан мавжуд аналог воситаларга қўйилган давлат андозалари талабларига жавоб бериши аниқланди;

- госсипол смоласи, соапсток, калций оксиди ва гексаметилентетрамин асосида битум лак олиш учун қулай БТ – лак физик механик хоссаларига эга бўлган таркиб олинди. Массани 1:3 нисбатда (уайт - спирт, газоконденсат, керосин ва бошқа) эритувчиларда эритиш орқали физик-механик хоссалари юқори бўлган бир жинсли антикоррозион қоплама олинди;

- нафтен кислота сақловчи нефт саноати чиқиндиси – соляр ва ёғ дистиллятлари асосида иккиламчи алмашинувчи ишқорли тузлар билан тез қотувчан, агрессив ионлар ўтмайдиган, юқори мустаҳкамликка эга иссиқлик ишловларисиз тез қотувчан қоплама ҳосил қилади. Ушбу самарали натижа кобальт, марганец, ва кўрғошин тузларининг ёғда эриши ва ўзаро тасирлашиши эвазига содир бўлади [1:53,54; 2].

“Хоразм антикорривест” ишлаб чиқариш корхонасида “KORNET”, “UNIAKOR” номли антикоррозион қопламанинг тажриба саноат намунаси тайёрланди ва “Chirchik-Maxam” АЖ, “Дехканабад калийли ўғитлар” АЖ ларида синовлардан ўтказилиб ижобий (6-8 балл) натижалар олинди. Госсипол смоласи асосида қурилиш битумлари ва антикоррозион қопламалар “Хоразм антикорривест” ишлаб чиқариш корхонасида йўлга қўйилди ва юқори иқтисодий самарадорликка эришилди.

Ёғ-мой корхонаси чиқиндиси соапсток ва капралактам ишлаб чиқариш корхонаси сода сульфатли аралашма асосида металл юзаларини сифатли тозалаш имконини берувчи техник ювувчи восита олишнинг технологияси яратилди (№ IDP 05188 от 06.05.2002 г) [3]. Таклиф қилинаётган таркиб металл конструкциясини бузмайди ва агрессив таъсирга эга эмас.

Шундай қилиб, олинган назарий маълумотлар госсипол смоласи асосида антикоррозион воситалар олиш мумкинлигини кўрсатди. Янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг материал баланси ва тахминий калькуляцияси ҳисобланди. Ушбу антикоррозион қоплама таннархи “TOSHKENT LOK-BO‘YOQ ZAVODI” АЖ да ишлаб чиқарилаётган аналогларидан 2 марта арзон бўлди. Янги яратилган маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича техник шарт, ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ва технологик режим нормалари, материал баланси ва охириги маҳсулот чиқиши калькуляцияси тайёрланди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Жуманиязов М.Ж., Юлдашев Н.Х., Дюсебеков Б.Д. Технология получения антикоррозионной композиции на основе местного сырья // Журн. Композ.мат., 2002 № 3
2. Патент № IAP 04552 РУз. Состав для ускоренного фосфатирования металлов // Жуманиязов М.Ж., Курамбаев Ш.Р., Марахимов А.Р. Заяв. 17.02.2010. Оpubл. 04.07.2012.
3. Патент № IDP 2001 0639 РУз. Техническое моющее средство // Жуманиязов М.Ж., Дюсебеков Д.Б., Юлдашев Н.Х., Дюсебеков Б.Д. Заяв. 11.04.2000. Оpubл. 27.07.2001.

Мундарижа

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Абдуллаев И.И., Холматов Б.Р., Лебедева Н.И., Искандаров А.И. Исследование энтомопатогенных грибов для биологической борьбы против термитов рода <i>ANACANTHOTERMES</i>	1
Абдурахимов У.К., Мадаминов Р.Р., Хамраев Н.У. Влияние сроков сева на продуктивность и урожайность местных сортов озимой пшеницы в Хорезмской области.....	6
Салимова Х. Бухоро воҳаси суғориладиган шўр тупроқларидаги тузлар захирасини аниқлашда кимёвий аналитик маълумотлардан фойдаланиш.....	10
Артикова Х.Т., Назарова С.М., Ҳақимова Н.Х., Бафоева З., Акрамова П. Суғориладиган тупроқларда кечадиган биологик жараёнлар ва тупроқ унумдорлигини ошириш.....	12
Рўзметов Р.С., Абдуллаев И.И., Искандаров И.А. Ғўза далаларида кўсак қурти тарқалишини географик маълумотлар асосида таҳлил қилиш.....	16
Ражабов З.П., Абдурахимов У.К. Проведенные научно-исследовательские работы по сохранению большого амударьинского лопатоноса в Хорезмской академии Маъмуна.....	18
Абдурахманова Г.А. Фитонематоды виноградников Ташкентского оазиса.....	22
Аккужин Д.А., Жуманиязов Ф.К., Абдурахимов У.К., Машарипова Р.Б. Результаты и достижения в области селекции и семеноводства хлопчатника в Хорезмской академии Маъмуна.....	24

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

Madaminov R.R., Vaxodirov Z.A. Fertiliti model of irrigated meadow soils of Syrdarya region...29	29
Камолова Н.П., Камолов П. Влияние очищенных городских сточных вод на свойства засоленных лугово-аллювиальных почв.....	32

ИҚТИСОД ФАНЛАРИ

Nasretdinova F.O., Allaberganov I.Sh. Ijtimoiy tadbirkorlik va ijtimoiy mas'uliyatning inson taraqqiyotidagi ahamiyati.....	36
Қўзибоев Б.Х., Султанова Л.И., Азатов С.А. Минтақадаги туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятлари.....	42

ТАРИХ ФАНЛАРИ

Abdullaev M.S. Effect of ethnic cultural connctions to khorezmian applied art.....	45
Баратов С.Р., Садуллаев Б.П., Рахимов Ш.Б. Караван-сарай Мешекли-кала.....	48
Матякубов Х. Қуйисой маданиятининг моддий ва ёзма манбаларда акс этиши.....	56
Rahmonova Yu.M. The attraction of some information concerning the life of the women of Khiva in European and Russian resources (Late 19th and early 20th century).....	61
Хусаинбекова Г. XVIII-XIX аср Ўрта Осиё давлатларининг худуди ва унинг маъмурий бошқаруви.....	65

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Urazboyev A. The linguistic cases connected with the transfer of meaning based on metaphor in old uzbek.....	69
Abdukarimov L. The khwarazmian scholar Yusuf as-Sekkaki and his scientific heritage.....	73
Матниёзов А.Р. Қадимги Хоразм ёзма ёдгорликлари.....	76
Avazbayeva U.U., Abdullayeva Sh.O., Matniyozov A.R. Fyodor Dostoyevskiy ijodida bosh qahramon tasviri.....	80

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

Атамуротов О.Э., Акимов Э. Некоторые соображения проектирования и строительства образцовых жилых домов.....	82
Дурдиева Г.С., Мадаминов Р.Р. Архитектурное строение минарета Ислам ходжи и моделирование памятника с помощью информационных технологий.....	84
Жуманиязов М.Ж., Курамбаев Ш.Р., Кураязов З.Р., Аташев Э.А. Госсипол смоласи асосида ракобатбардош коррозияга қарши воситалар технологияси.....	89